

Mustahkam oila – yurt tayanchi

# QILA DAVRASIDA

# 28

№ 35 – 37  
(381 – 383)  
2019-yil  
29-avgust  
payshanba

www.ila-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan

*Жонажон Ўзбекистоним,  
мангу бўл омон!*

## БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК!

### «ОБКМ» ЖАСОРАТИ

ёхуд калиш заводи.

3-бет

### САМИМИЙ ҲАДЯ

арзон, лекин қадрли

7-бет

### ҚАЙНОНА-КУЁВ ҲАЖВЛАРИ

ўзбекка хосми?

8-бет

### «ЙИҚИЛГАН»ЛАР

ҳам талаба бўлади.

21-бет





**28**  
Жонажон  
Ўзбекистоним,  
мангу бўл омон!

**БУНЁДҚОР  
ХАЛҚИМИЗНИ  
ВАТАНИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
28 ЙИЛЛИГИ  
БИЛАН  
МУБОРАКБОД  
ЭТАДИ!**

**ALOQABANK**






**БИР КАРТА**



**БУТУН ДУНЁ  
ВАЛЮТАЛАРИ**

**ALOQABANK  
ОМОНАТЛАРИ**

Қулай ва ишончли даромад манбаи





**«Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёга очилмоқда ва халқаро ҳамжамиятга ҳақиқатни етказишга интилиш бор. Энг муҳими, муҳокама қилиш, танқид қилиш мумкин.**

**Бугун биз Ўзбекистоннинг янги тарихини яратяпмиз. Мақсадимиз — халқимизга хизмат қилиш, одамларни рози қилиш ва келажакка ишонч билан қарашини таъминлаш. Бунга сизлар ҳам ҳисса қўшасизлар деб ишонаман».**

### Шавкат МИРЗИЁЕВ

(Президентнинг «Шарқ тароналари» халқаро фестивалини ёритиш учун келган маҳаллий ва хорижий блогерлар билан суҳбатидан)

# «ОБКМ»НИНГ ЖАСОРАТИ

Наманган вилоятининг Поп районида резина заводи бор. Бошқа барча корхоналар каби корхона. Аммо, унинг пайдо бўлиши ҳайратли.

Урушдан кейин бу ерда уран кони топилган. «Совуқ уруш» даври эмасми, зўр бериб қуролланиш, атом устунлигига эришиш учун кураш авж олган давр эди. Дарҳол бу ерда уранин бойитиш корхонаси қурилиши режалаштирилган. Таркибида уран бўлган руда батамом қазиб олиб кетилган, корхона эса бўшаб қолган.

У вақтда атом бомбаси билан боғлиқ дастурга Берия раҳбарлик қиларди (атом бомбасини яратишдаги хизматлари учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган). Заводнинг тақдирини фақат унинг ўзигина ҳал қиларди. Корхонанинг барча ускуналари кўчириб олиб кетилган, бинонинг фақат деворлари қолганди.

Вилоят раҳбари Нуриддин Муҳиддинов бу корхона қолдигини кўриш ниятида у ерга борганда, кўриқчилар унга ҳатто яқинлашишга ҳам рухсат этишмаган. У вақтда ахвол шунақа эди — республикамиздаги деярли ҳамма йирик корхоналар Москвага бўйсунар, маҳаллий органлар фикри назар-писанд қилинмасди. Шу сабабли вилоят раҳбари, СССР Олий Советининг депутати бу ёпилган корхонага кириш учун рухсат сўраб, Москвага, СССР геология министрига мурожаат этган.

Юқоридан рухсат берилган. Завод қолдигини кўздан кечираётган эди, Муҳиддинов мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бу ерда рези-

на маҳсулотлари, аниқроғи, калиш ишлаб чиқаришни режалаштиради.

Калиш у вақтда энг харидорғир, ноёб нарса ҳисобланган. У вақтда ҳамма этик, маҳси, ҳатто туфли, ботинка устидан ҳам калиш киярди. Энг модали пойабзал ҳам, нам ва лойдан сақланиш учун калиш билан кийиларди.

Попда калиш ишлаб чиқарувчи корхона очиш режаси республика ҳукуматида тақдим этилганида, ўша пайтдаги ҳукумат бошлиғи кўриб кетган экан. «Авалло, бу масалани иттифок ҳукумати ҳал қилиши керак. Иккинчидан, бу корхона Берия тизимига қарагани учун унинг шахсан ўзигина рухсат бериши мумкин» — деган.

Берия билан муомала қилишга кимнинг юраги бор эди, дейсиз.

Лекин Муҳиддинов бу ишга жиддий киришиб, аввал яна Антропов, кейин, СССР химия санюати министри Тихомиров билан гаплашиб, улардан ёрдам сўрайди. Улар ҳам бу масалани Берия ҳал қилишини айтишади.

Муҳиддинов Берия билан очик гаплашиб олиш учун унга кўнғирок қилган!

Бериянинг кайфияти яхши эканми (яқинда қаҳрамонлик унвонини олган эди), завод қолдиқларидан фойдаланишга ижозат беради.

Бир зумда иттифок министрлари — Антропов, Тихомиров, Бериянинг маҳкамасидан бир гуруҳ одамлар Попга келишади. Биргаликда

бу ерда резина буюмлари ишлаб чиқарувчи завод ташкид этиш ҳақида иттифок ҳукуматиға (Сталинга) хат йўллашади.

Уруш туғанин, корхоналар аҳоли учун зарур нарсалар ишлаб чиқаришга йўналтириладиган пайтлар эди. Поп заводи ҳам шу тўлқинга тушди, унга рухсат берилди.

Шу тарика республикамизда резина заводи пайдо бўлган. Бу ҳақда Муҳиддинов ўзининг хотиралар китобига хикоя қилган.

Истиклол шарофати билан бу каби катта заводларни керак бўлса, биргина тadbirkорнинг ўзи очиб юргизаётган бугунги кунимизда ўша олис кунларни ўйлаб ҳаёлга толаман... Янги завод эмас, эски, бекор қолган иморатдан фойдаланиш учун рухсат олиш шунчалик машаққатли ва энг муҳими, хавфли бўлган экан-да. Муҳиддиновнинг ишбилармонлиги, жасорати (бевоқиф Берияга мурожаат қилиши) бўлмаганда, нима бўларди?

У даврлар шунақа эди! Энди-чи? Асака автомобиль заводи, Тошкент халқа йўллари, Навоий-Нукус темир йўллари, тоғни тешиб ўтган доволар каби миллион-миллион доллар сарфланадиган объектларни қуришни Ўзбекистон давлати, ҳукумати, халқи ўзи ҳал қилипти. Мумкин экан-ку!

Бундан буён ўзи қураверади.

Анвар ТОЖИЕВ

## 65 НАФАР ШАХС АФВ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Президентининг «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб бориладиган кенг кўламли ислохот ва янгиликлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсон ўз орзу-интилишлари ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга энг устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ислохотларимизнинг асосий мақсади ҳам бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини халқимиз фаровонлиги йўлида бирлаштириш ҳамда шу орқали барча юртдошларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш беришдан

иборатдир, дейилади фармонга берилган шарҳда.

Бу жараёнда адашиб, турли нотўғри йўللарга кириб қолган, бугунги кунда ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, тўғри хулоса чиқариб олган фуқаролар ҳам давлатимизнинг эътиборидан четда қолмапти, уларга нисбатан афв институти қўлланиб, оиласи ва жамият олдидаги маънавий қарзини узиш учун имконият берилмоқда. Кейинги уч йилда юртимизда 7 марта афв эълон қилиниб, 3952 нафар шахс афв этилгани — халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик, кечиримлилиқ ва олижаноблик фазилатларининг яққол амалий ифодасидир.

Кундалик ҳаётимизда содир этиладиган жиноий ҳатти-ҳаракатлар барчамизни оғохликка ундаши, уларнинг туб сабабларини ўрганиб, олдин олиш учун давлат органлари, маҳалла, хотин-қизлар, нурунийлар ва ёшлар фаоллари, жамоатчилик тузилмалари сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-тарбиявий ишларни тизимли равишда ташкил этишлари ҳамда баҳамжихат ҳаракат қилишлари зарур.

Таъкидлаш жоизки, ўз

қилмишига чин кўнғилдан пушаймон бўлган шахсларни афв этиш — бу алоҳида бир шахсни кечирилдан иборат бўлибгина қолмасдан, келажакка умид кўзи билан боқадиган болажонлар тақдирига, қалби вайрон бўлиб, жигарбандини кутаётган отахон ва онахонларга нисбатан Президентимиз томонидан кўрсатилмаётган ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

Ана шундай муҳим омилларни ҳисобга олиб ҳамда халқимизга хос бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг улуғ ва энг азиз умуммиллий байрамимиз — Ватанамиз мустақиллиги эълон қилинганнинг 28 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб бориладиган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбеки-



тон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 65 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 17 нафари жазодан тўлиқ озод қилинди, 13 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди, 20 нафарига эса тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилди. Бир сўз билан айтганда, 50 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш жойларидан ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилди.

Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан


маҳрум этиш жазосининг муддати қисқартирилди ва 1 нафар шахс озодликни чеклаш жазосидан озод қилинди.

Афв этилганларнинг 4 нафарини аёллар, 1 нафарини 60 ёшдан ошган шахс, 1 нафарини чет эл фуқароси, шунингдек, 39 нафарини таъкидланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган фуқаролар ташкил этади.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазирилик ва идоралар ҳамда ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди, дея хабар берди ЎЗА.



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

МУҲИТ ЎЗГАРМОҚДА,  
ОДАМЛАР ЎЗГАРМОҚДА...

1990 йил, Шеробод туман газетасида ишлаб юрган кезларим. Хизмат сафари билан Афғонистондан қайтаётган латвиялик бир ҳамкасбимга ҳамроҳлик қилишимга тўғри келганди. У ҳам мен каби ўрис тилига кучли муҳаббат қўймаган, бу борада имконияти кўча сўзлашуви билан чекланган экан, холос. Икковимиз ҳам ўрис тилини лахжада гапирармизу аммо, бир-биримизни тез тушуниб олардик. Сурхондарёнинг хушманзара пурвикор тоғларни кўриб, кўнгли ҳавасга тўлган ҳамкасбим: «Бу тоғларнинг ичи тўда бойлик бўлса керак! Бирок, бу ерлардан шу кеча-кундуз бирор қимматбаҳо конлар топилса, аминманки, кўшқўллаб иттифокнинг «умумий» хазинасига топшириб қўясизлар. Аксарият юртдошларингнинг кўнгли хали ҳам Масковда! Бизлар аллақачонлар ўзимизни иттифокдош деб ҳисобламаймиз. Сизлар эса ҳамон иккиланишдасизлар!» деган эди ўзгача бир куюнчақлик билан.

Рости ўшанда латвиялик ҳамкасбим кўзимга бир душман айғоқчисидек кўриниб, у билан гаплашишга ниҳоятда эҳтиёт бўлиб қолгандим. «Амударёдан олиб, Афғондан келяпти, ким билсин, кўнглида қандай режалари бор...» Ҳамкасбим эса, тусим ўзгариб, хушёр тортиб қолганимга кулиб деди: «Хафа бўлма, хали бу гапларимдан кўпчилиги шубҳаланарди. Буни англаб етиш учун вақт керак, одамларнинг онги ўзгарши керак!..»

Мана шу гапларга ҳам қарийб ўттиз йил бўлди. Ушандан бери хорижлик ҳамкасбимнинг гапларини эслайман. Ҳа, у айтган ўзгаришларни ўтган йигирма беш йил ҳам хазм қилолмадим. Сабаби, мамлакатимиз мустақил бўлгани билан халқ барибир, оғир шароитларда яшайди. Айниқса мустақил бўлганимизнинг дастлабки йилларида тўққиз хил озик-овқат, жумладан ун билан шакар тақчил, кимматлигича қолаверди. Эски, обқому райкомбоболар ҳокимбоболар бўлишди. Ҳовлиси, дўкону дастдоҳи бузилса, тортиб олинса ҳеч ким «Нима қиялсиз, нима ҳақингиз бор?» дея олмасди. Бугун эса, муҳит ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда...

Шўро даврида Жанубий чегара вилояти бўлиши Сурхондарёнинг маркази — Термиз учтагина кўчаси бор, ёшиқ бир ҳарбий шаҳарча эди. Шаҳарга беш километрлар етмасдан чегарачилар йўловчи автобусларни тўхтагиб, барчанинг паспортларини текширар, туғилганлик гувоҳномаси бўлмаса, ҳатто вояга етмаган болаларни ҳам йўлда тушириб қолдиришарди. Шаҳарга бораверишда ўнг қўлда, икки километр ичкарисида — Амударё соҳилида буюк алломо Ҳаким ат-Термизий макбараси бор. Унга деярли ҳеч ким яқинлаша олмас, зиёрат қилмоқ гўёки ушалмас армон эди.

Бундан атиги беш-олти йил аввалги жамятигимизда «Ўйнашмагин арбоб билан» деган ақида устувор эди. Одам-

лар гарчи ҳақ бўлсалар-да, «Кел, шу раҳбар билан ҳақ талашмай, барибир ютқизаман...» дея амалдорларга таслим бўлишарди. Бугун эса, юртимизнинг яқин-олиси манзилларида одамлар ўзгармоқда, ўзгаришга интилмоқда. Бир пайтлар пахта теримини қайси санадан бошлашни умрида пахта кўрмаган дохийлардан, ўтган чорак асрда эса, Тошкентдан сўраб, уларнинг кош-қовоғига қараб иш тутган дехқонбобо бугун лозим топса, бу ишга августнинг иккинчи ярмидан киришмоқда. Сентябрьнинг ярмидаёқ пахта шартномасини бажариб, октябрдаёқ ҳеч қимдан сўраб ўтирмай, ерни шудгорлаб, ўрнига бошқа экин экишга киришаётир. Боз устига пулни, ё шартномадаги бошқа олди-бердиларни кечиктирган амалдорларни судга ҳам бермоқдаки, булар бари одамларнинг ўзгараётганидан далолат беради.

Яқинда Термизга бориб, уни мутлақо ўзгача қиёфада кўрдим. Шаҳар бугунлай қайта қурилмоқда. Янгидан-янги кўча ва хиёбонлар, масжидлар, кўпқаватли уйлар, иншоотлар барпо этиляпти. Вилоят маркази тўрт қутбга қараб ўсиб, кенгайиб бораётир. Бугунга келиб, Ҳаким ат-Термизий мажмуасидан ташқари, ислом дунёсининг санокли ҳадисшуносларидан бири бўлган хўжа Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг руҳи поклари мангу қўним толган Шерободда ва бошқа туманларда ҳам мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари жадал давом этяпти.

Бир вақтлар, хали бундай эминчиликлар одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам қирмаган пайтлар эди. Ўн саккиз йил аввал «Моҳият» газетасида Сурхондарё вилояти ҳокими ўз ваколатидан ўч олиш максасида фойдаланиб, танikli бир тадбиркор бобога қарши иктисодий-руҳий санкциялар қўллаётгани ҳақида йирик фельетоним эълон қилинганди. У пайтларда ўзи яшаб, бизнес қилиб турган ҳудуд ҳокимининг иродасига қарши бормоқ ўзининг устига тириклайин тупроқ тортмоқ билан баробар эди. Бирок, барибир, ўша дамларда ҳам табиатан орли, ғурурли одамлар бир-бир бош кўтариб, ҳақларини талаб қилиб қўядилар. Ундайлар «Элга келган тўй экан-да», дея барча кўниб, бош эгиб кетаверадиган ноҳақ ишлар билан асло муроса қилолмайдиган ўжар кишилар эди. Ўша пайтлар пахта масуми қайнаб турган кезларда Сурхон воҳасига борсам, бир фермер бобо билан ҳоким ўртасида кечаётган тортишувнинг устидан чиқиб қолдим. Дехқон-фермер далаларидаги пахта ҳосилининг ақсар қисмини тердириб олгану аммо, заводга топшир-

май, алоҳида хирмон қилиб қўйибди. Маҳобатли пахта хирмонининг ёнида эса, баргизазон, чанг-тупроқли қўсак қобикларидан иборат яна бир кичик хирмонча ҳам қад кўтарган. Унинг бу «хурмача қилиғи»дан жажли чиққан ҳоким туман режасини бажара олмай депсиниб турган бир пайтда нега бундай қилаётганига изоҳ талаб қиларди. Дехқон бобо баҳайбат хирмонга ишора қилиб: «Буниси топ-тоза, аёло навли ҳосил», кичик хирмончани кўрсатиб: «Буниси эса, пахта заводингиз чегириб ташлаётган ўн-ўн икки фоиз ифлос унсурлар», деди. «Ҳозир иккаласини аралаштирсам, умуман пахта хирмони, чиқинди арадаш уадалар тоғига айланади қолади. Ўн фоиз чанг-тўзон, хас-хасак қўшилган ҳосил бешинчи навга ҳам ярамайди. Уни фақат молнинг охурига ташлаш керак, холос. Бу даражада ифлос ҳосилни заводингизнинг белиоғримас каттаконлари ўлса ҳам қабул қилмайди. Эсимни танибманки, заводларга олиб борган пахтамининг ўн-ўн икки фоизи «ифлос», «нам» деб чегириб ташланади. Бу муттаҳамлар қайсидир ғирромларга пахта сотаман деб қанонга дехқоннинг ризқини кемтади?», дерди ўқтамлик билан. Фермер бобонинг баралла билдириган асосли эътирозларидан сўнг ҳоким унга ён босишга мажбур бўлди: «Бўпти, завод раҳбарига тайинлаб қўяман, Сизнинг ҳосилингиздан беш фоиз скидка қилишди, фақат, гап ораминизда қолсин!..» Ўшанда давр ҳам, жамятдаги муҳит ҳам бошқача эди. Агар ўша фермер бобонинг сўзи ўзига хос кескир бўлмаганида турган гапки, ҳоким уни бу қайсарлиги учун анчагина ачинарли аҳволга солган бўларди.

Бугун, минг шукрки, муҳит ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда. Бир-биридан мухташам янги уйлар қад ростляпти. Бунга ҳалақит берадиган эски иморат ва иншоотларни бузиб ташлашга тўғри келмоқда. Бирок, бу осон кечаётгани йўқ. Жараёнларда шу кезлари бўлиб ўтган ва бўлаётган тўполонларни кўрдик ва кўряймиз. Президент ушбу масалада ўз фикрини узил-кесил, қатъий қилиб айтди: «Менинг сизларга айтадиган гапим шу: бу ишларни одамларнинг рози қилиб, сўнг амалга оширинг...»

Одамларни рози қилишининг эса ўзи бўлмайди. Ниҳоятда катта маблағлар ва янгидан-янги имкониятлар топиш зарур бўлмоқда. Иккинчи томондан, бу улкан бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмаслиги, бардавом бўлмоғи ҳам керак. Аммо азалдан амру фармонга ўрганиб қолган ҳокимбоболар ниҳоят, одамларнинг дилларига йўл топишга ҳам киришдилар.

Шўро замонида Сарносиё туманида «Москванинг назаридаги» Шарғун деган шаҳарча бўларди. Шаҳарча шунинг учун ҳам «марказнинг назарида» эдики,

унда сифати бўйича собиқ иттифокнинг бошқа ҳудудларида муқобили бўлмаган, тупроқнинг юза қатламида жойлашган асрларга етадиган йирик кўмир қони бор эди. Аммо сўнгги чорак асрда қарийб ҳаробазор қиёфага келиб қолган ана шу Шарғун шаҳарчаси жуда катта меҳнатлар эвазига, кўрғанининг кўзи қувнайдиغان даражада қайтадан барпо этилмоқда. Барча туман марказларида икки-уч қаватли, шу жумладан кам таъминланганлар учун уйлар бунёд этилмоқда. Ўнлаб азиз-авлиёларнинг сўнгги манзилларида гулзор йўлақчалар, мухташам макбаралар бунёд этиляпти. Атиги тўрт йилгина муқаддам, ислохотлардан мосуво Бойсун айни кезларда унинг бетакрор сўлим тоғларида сайр этмоққа жазм этган хорижлик меҳмонларга бағрини очган туризм марказига айланган.

Ҳа, ўша ўттиз йил аввал Шеробод тоғларига ҳавас билан қараган латвиялик ҳамкасбимнинг башорати рост чиқди. Айни чоғда бу ерларда ишлаб чиқарилаётган цементлар, гранит тошлари хорижга экспорт қилинмоқда. Яқиндагина дунё бахшиларини бағрига чорлаб халқаро танловга мезбонлик қилган, жазирама саратонни кузатиб, кўксига салқин шабдалар тега бошлаган қўхна ва навкирон Термиз янгидан-янги тадбирлару анжуманларга тараддуд кўрмоқда.

Сирасини айтганда, ўтган ўн йилликларда дотациялар ҳисобига яшаб келган воҳа, яқин йиллардаги ислохотлару киритилган хорижий инвестициялар ҳисобидан янги тамаддулар сари юз бурди: вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10 триллион 101,3 миллиард сўмдан зиёд бўлди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич таркибидан санаот улуши 15,1, кишлққ хўжалиги 51,4, савдо, яшаш ва овқатланиш соҳалари улуши эса 8,8 фоизни ташкил этди. Айниқса, кичик бизнеснинг улуши сезиларли даражада салмоқли, яъни 78,2 фоизга тенг бўлди. 3 триллион 144,6 миллиард сўмга тенг бўлган вилоят иктисодиётига молиялаштиришининг барча манбалари ҳисобидан жалб этилган қўйилмалар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 94,7 фоизни ташкил этмоқда. Айтиш жоизки мазкур жаҳада ҳам жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёбди.

Гап албатта, рақамлару кўрсаткичларда эмас, балки, дунёнинг эътиборида бўлган қадим тамаддул бешиги — Сурхондарёнинг, Термизнинг вақт ўтгани сайин сулув келинчак мисоли ифдор, нур таратиб ривожланаётганидадир. Бунинг асосий омили эса, муҳит ўзгармоқда, одамлар ўзгармоқда.



28

# АСРЛАР ҚАЪРИДАН ТАРАЛАЁТГАН НУР

Ўтаётган ҳафта буюк истиқлолнинг йигирма саккиз йиллик тантаналарини нишонлаётган Ватанимиз учун янада шукўҳли бўлди. Айниқса, биргина Самарқандда ўтказилган халқаро тадбирларда дунёнинг ўнлаб давлатларидан хорижлик меҳмонлар иштирок этишди.



«Шарқ тароналари» – турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 август куни «Шарқ тароналари» ўн иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни мамлакатимизда кўришдан мамнунлигини билдириб, йиғилганларни мазкур айём билан муборакбод этди.

Ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланганини, Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башариёт фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлашни таъкидлади.



– Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий кадриятларга ҳурмати баланд бўлади, – деди Президент.

ЮНЕСКО Бош директори Одрӣ Азуле ўз чиқишида фестиваль ўтаётган Самарқанд Амир Темурнинг буюк давлати, Регистон майдони эса Мирзо Улуғбек меросидан далолат беришини, бу мерос асрлар давомида олимлар, хунармандлар, санъаткорларни бу ерга

етақлаганини қайд этди. Умумбашарий тарихни асраш, универсал тил бўлган мусиқани ривожлантириш ЮНЕСКОнинг масъулият доирасига киришини, ташкилот Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ниятида эканини таъкидлади.

Шунингдек, маросимда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Бангладеш, Польша, Беларусь, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардан расмий шахслар, фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Бу йилги фестивалда 75 та давлатдан 340 нафар вакил қатнашмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни санъатнинг чинакам фидойилари, тинчлик ва эзгулик элчилари деб атади.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, «Ўзбекистон – Буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар, маданиятлар» маданий мерос ҳафталиги доирасида Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида «Асрлар қаъридан таралаётган нур» мавзусида исломшунос олимларнинг халқаро конференцияси ўтказилди.

Марказ матбуот хизмати анжуман иштирокчиларининг таассуротлари билан қизикди.

**Мухаммад Илтоф Шайх,**  
Консерватив мусулмон форуми президенти (Буюк Британия):

– Ўзбекистонни яхши кўраман. Ўзбек халқининг меҳр-мухаббати, меҳмондўстлиги менга жуда ёқди.

Бугун Ўзбекистон дунёга янги-ча нигоҳ билан

бокмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев халқаро анжуман ва конференцияларда фақатгина Ўзбекистонни эмас, балки бутун дунёни ўйлантираётган муаммолар ҳақида гапирмоқда. Шунинг билан бирга уларнинг ечими борасида муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан, Президентингизнинг ислом динининг нуфузини ошириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ташаббусларини тўлиқ кўлаб-қувватлайман ва бунинг учун ўзимнинг чуқур миннатдорчилигини билдираман.

Мен асли ҳиндистонлик бўлганим учун Ўзбекистон диёридан етишиб чиқиб, Ҳиндистонда 300 йил ҳукмронлик қилган Бобурийлар сулоласи тарихини чуқур ўрганганман. Ҳиндистонда илм-фан, маданият ва маърифатни ривожлантиришда Бобурийларнинг хизмати бекиёс.

Бундан ташқари, темурийлар даври тарихини ҳам жуда кўп ўқиганман.

Ҳозир бемалол айтишим мумкин, меннинг томиримда ҳам Амир Темурнинг қони оқмоқда.

**Сали Шахсвари,**

«Al-Furqon» исломий мерос фонди директори (Буюк Британия):

– «Al-Furqon» исломий мерос фонди Буюк Британиядаги энг нуфузли муассасалардан саналади. Фонд исломий ёзма меросни ҳужжатлаштириш ва асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, асосан тадқиқот, тасвир, каталоглаштириш, таҳрир ва нашр этиш билан шуғулланади.

Биз Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан анчадан буён ҳамкорлик қиламиз. Марказга кўплаб кўлёма ва тошбосма асарларнинг каталогларини ҳада қилдик. Келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот йўналишида қандай ташаббус ва тақдирлар бўлса, барчасини кўлаб-қувватлашга тайёرمىз.

**Шойиста Бедар хоним,**

Ҳудо Бахи Шарқ кутубхонаси директори (Ҳиндистон):

– Қасбим юзасидан кўплаб мамлакатларда бўлганман, илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти билан танишганман. Шундай эса-да, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказидаги улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларини кўриб хайратландим.

Кутубхонамизда Шарқ мамлакат-



ларидан етишиб чиққан кўплаб аллома ва мутафаккирларнинг минглаб кўлёма ва тошбосма асарлари сақланади. Бу мероснинг қанчадан-қанчаси халигача ўрганилмаган.

Бугун исломшунос олимлар билан мулоқотда уларга кучимизни бирлаштириб, шу улкан маънавий бойликни тадқиқ этиш бўйича тақдирларимни билдирдим.

Биздаги илмий-тадқиқотчилар орасида Ўзбекистонлик ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Улар тадқиқот ишларида кутубхонада мавжуд адабиётлардан кенг фойдаланмоқда. Ҳиндистонликлар ҳам Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби алломаларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида яхши билади. Лекин кутубхонамизда уларнинг хали ўрганилмаган кўплаб асарлари эътибордан фаромуш ҳолда ётибди. Келгусида Ўзбекистонлик илмий-тадқиқотчилар билан уларни таржима қилиш ва замонавий китоб ҳолида кенг жамоатчиликка етказишни режалаштирмоқдамиз.

**Жавод Аббосий,**

Фирдавсий номидаги Маънавий университетини доктори (Эрон):

– 3 йил аввал Тошкент шаҳрида бўлган эдим. Бу сафар маданий мерос ҳафталиги доирасида Тошкент билан бирга, Бухоро ҳамда қадим ва навқирон Самарқандни зиёрат қилдим. Конференция иштирокчилари қаторида бу шаҳарлардаги маданий мерос объектлари, меъморий обидаларни, мукаддас қадамжоларни кўриш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандман.

Уч йил олдинги Ўзбекистон бугун умуман бошқача киффа касб этган. Хусусан, буюк муҳаддис Имом Бухорий номи билан аталувчи халқаро илмий-тадқиқот маркази ривожланган мамлакатлардаги муассасалардан ҳам алоҳида даражада бунёд этилибди. Бу ерда тадқиқотчилар учун яратилган шароит фақат ҳавас уйғотади. Марказдаги таржимонлик ишлари ҳам танишдим.

Ўйлайманки, яқин йилларда бу меҳнат маҳсули бутун дунё мусулмон олами учун улкан маънавий ва маърифий асос вазиғасини ўтайд.

Ўза материаллари асосида тайёрланди.



# ОСМОНГА ОТИЛГАН ТОШ КИМНИНГ БОШИНИ КЎЗЛАМОҚДА?

## ёхуд виртуал майдонлардаги ўйинларнинг асл қиёфаси

«Мен бу ерда ўт ёқсам,  
Фарғонада тутуни...»

Машҳур халқ кўшиқларидан бири – «Сунбула»да шундай мисралар бор. Бу кўшиқни кўпчилик эшитган, яхши билади. Лекин «бу ерда ёқилган ўт»нинг тутуни мутлақо бошқа жойда – «Фарғонада» нима қилиб юрганига ақл бовар қилмайди.

Табиятда «ёруғлик тезлиги» ҳодисасига модданинг энг тез характери сифатида қаралади. Бошқа нарсалар шунга қиёсан тушунтирилади. Назаримда, бугун ундан ҳам тезроқ воситалар бордай. Масалан, бугун дунёнинг бир бурчагида юз берган воқеадан бир зумда бутун дунё хабар топади. Бу пайтда ёруғлик манбаи ҳисобланган Куёшнинг нури Ер шарининг иккинчи бўлагини ҳали ёритиб улгурмаган бўлади. Айниқса, ўша хабар бирон негатив ҳодиса ҳақида бўлса-ку, ҳар қандай тезликни доғда қолдириб тарқалади. Бир дақиқа ичида миллионлаб ўқувчисини топадиган бундай хабарларнинг воқеликка қанчалик уйғунлиги, омма учун қай даражада муҳимлиги, халққа нима бериши, шунча инсоннинг вақти ва маблағи эвазига тақдим этилган хабар бирон фойда бера олиш-олмаслиги кўпда ўйлаб ўтирилмайди. Одатда бир шўрпечонанинг бошига тушган мусибат ҳақидаги машғум хабар тарқатилган ва кенг миқёсда ёйилиб бораверади.

«Йигирма бир яшар келин турмуш ўртоғини пичоклаб кўйди», каби виртуал ахборот оламида жуда бозорғир хабарлар аслида ўқувчига нима беради? Бундай хабарни тарқатишдан кўзланган мақсад не? Аёлларни эрга бўш келмасликка тарғиб этиш, ўрни келганда шундай усулдан ҳам фойдаланса бўлиши ҳақида тавсия бериши? Ёки эркакларга ўз рафикасидан ҳайиқиб, ишончсизлик билан кун кечиршига ўргатиши?

**Одатда, бундай хабарларда келиннинг қаерданилиги, миллати, ижтимоий мансублиги, дини каби бир қанча жиҳатлар ҳам аниқ таъкидланган ҳолда кўрсатиб ўтилади. Қарабсизки, ўша ҳудудда яшайдиган ҳамма аёллар ҳақида омма орасида негатив фикр пайдо бўлади.**

Шу зайл инсоннинг шаъни беҳурмат қилинади. Ҳатто баъзи бир оғзига кучи етмайдиганлар бу хабарни янада ўзгартириб, бўрттириб: «фалон жойда аёллар эркакларни сўйиб кетаётган экан», қабилидаги асоссиз, бўхтон ва уйдирма хабарларни ҳам тарқатишга киришиб кетади. Улардан «сиз кўрсатган манбада ундай дейилмаган-ку, нега бўхтон тарқатяпсиз?» дейилса, «биз ўқувчига кизиқарлироқ бўлиши, унинг эътиборини жалб қилиш учун хабарнинг шаклини озгина ўзгартирдик, холос», деб жавоб беришади. Бундай кимсаларнинг мақсади аниқ: шов-шувли, олди-қочди гаплар билан омманинг эътиборини ўзига жалб этиш, ваҳима тарқатиш.

«Кўркса, хурмат қилади», деган ноҳилис ёндашув бундайлар фаолиятида асосий ўринда туради. Улар ўқувчига ижтимоий фойдали маълумотни етказишни эмас, омманни ўзларига тобе қилиб туришни кўзлашади. Тарқатилётган маълумотлар нотўғрилиги исботлаб берилса, бирпасда виртуал майдондаги ўша хабарнинг баҳридан ўтиш, уни лентадан осонгина олиб ташлаш мумкин. Лекин уни рост деб қабул қилган, алданган қолган ва саросимага тушган минг-минглаб ўқувчининг холи нима кечади? Унинг етказган рухий-психологик зарари-чи?

Бундай ҳолатларни интернет сайтлари, блогерларнинг саҳифалари, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар ёки шахсий саҳифаларда ҳам истаганча учратиш мумкин. Халқнинг назаридаги бирон эътиборли шахснинг юзига лой чаплаб, ёмонотли қилиш, унинг «қилмишлари»ни ўзларича «фош этиш» орқали «қахрамонлик» кўрсатиш бе-маза қовуннинг уруғидай анча палак отиб кетмоқда. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ барабар, дейилганидек, орқа-олдига қарамадан «фош этиш эстафетаси» бошланди. Бу ишлардан кимга қандай наф борлигига биров бош қотириб ўтирмайди. Ҳатто бировни бадном қилувчи, шов-шувларга сабаб бўлувчи, кўпроқ омманни жалб этувчи хабарларни тарқатиш ишлари қуруқ бўлмаслиги ҳам ҳаммага қундай равшан. Ўз оиласи, маҳалласи, юрти, Ватани, миллати шаънини сотиш эвазига бўлса-да, ўз мақсадида эришаётган кимсаларнинг югургани сомонхонагача бўлиши ҳам маълум аслида. Аммо

уларнинг ёнида кўр-кўрона тақлид ортидан чопиб, «сўз эркинлиги шу экан-да», деб алданиб қолаётганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Аввалига, шунчаки, майда-чўйда қундалиқ манший ҳолатлар билан бошланган фаолият кейинчалик ҳатто жиноят даражасидаги тажовузкор ҳаракатга айланиши мумкинлигини содда фуқаро баъзан чуқурроқ ўйлаб кўрмайди.

**Бу ўринда яна бир нозик масала бор. Юқоридаги каби бўлмағур хабарларни бўяб-бежаб тарқатаётганлар бир нарсани иддао қилишади: «Бор ҳақиқатни нега яширишимиз керак? Қачонгача элининг оғзига элак тугтиб яшаймиз? Бундай хабарларни биз айтмасак ҳам ҳамма кўриб-билиб юрибди-ку?»...**

Бир қарашда бу иддаода жон бордай. Лекин...

Шукрки, бизнинг ота-болаларимиздан мерос бўлиб келаётган юксак ҳаётий тутумларимиз, миллий ҳаёт тарзимиз бор. Унда нуруний ёшдаги онамизнинг кўлига оғир юк ушлатиб қўйиб, телефонга видеога олиш, кейин онамиз мувозанатни йўқотиб йиқилиб тушса, устидан хандон отиб кулиш каби ишлар инсонгарчиликка зид ва беъмаъий ҳаракат ҳисобланади. Бор нарсани боридай кўрсатиш ҳаммаши ҳам тўғри бўлавермаслигига инсоннинг ўз фаросати етиши керак. Бу ҳақда миллатимизнинг маънавий раҳнамоларидан бири – Алишер Навоий хазратлари «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида шундай деганлар:

«Оқил чиндин ўзга демас,  
аммо барча чинни ҳам демак  
оқил иши эмас...»

**«Хирадманд чин сўзини ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегули эмас.  
Киши чин сўз деса зебо дурур,  
Неча мухтасар бўлса, авло дурур».**

Навоийнинг бу сўзлари шунчаки сўзлар эмас. Одам боласининг сўз айтиш, ҳабар бериш ва маълумот етказишда аслида қайси йўлдан бориши кераклиги ҳақидаги энг тугал ҳаётий кўрсатмадир.

Бугун ҳамма ҳам ўзининг ҳаётида, маҳаллау қишлоғи, қолаверса шу юртда нимадир ўзгартириш бўлиши, кечагидан кўра яхшироқ кун кечириш

умидида меҳнат қилади, тирашиб-тирмашади. Тараққий этиш илинжида бел боғлаган. Барча соҳаларда қилинаётган ислохотлар ҳам айни шу мақсадга қаратилган. Дунёнинг Ватанимизга бўлган ижобий муносабатини ўстириш, юртимизга илғор сармоядор, ишбилармон ва сайёҳларни фаол жалб қилиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шундай бир пайтда миллат учун ҳам, давлат учун ҳам ёки бирон шахс учун ҳам ҳеч қандай фойдаси бўлмаган, лекин беҳуда шов-шувга сабаб бўладиган маълумотларни ёйиш бизга нима беради? Бу ўзимизни ўзимиз бадном қилиш эмасми? Ҳаммаининг кўзи олдида ўзимизни ўзимиз бадном қилишдан бирон мақсад ҳосил бўладими?

Йўқ! Бу билан дунё аҳлида ўзимиз ҳақимизда бадбин таассуротлар қолдирамиз холос. Ўзликни намоиш этиш қилиш билан эмас, хато-камчилигимизни тўғри англаб этиб, уни бегона кўзлардан пана қилиб, тезлик билан тузатишга киришиш, шу йўлда амалий фаолиятга ўтиш билан бўлади. Ҳозирда юртдошларимизнинг виртуал майдонлардаги кўпчилик ҳатти-ҳаракатлари, аввало, аниқ бир мақсадни кўзламадан, шунчаки вақт ўтка-

зишга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу вақтни, маблағни ва эътиборни завол қилишди. Виртуал оламдаги бошқаларнинг ҳаётини томошабин сифатида кузатиш алал-оқибатда ўз ҳаётига, ўз тақдир ва келажагига ҳам лоқайд томошабин қиёфасига солиб қўяди. Бу эса қуни келиб инсонни манкуртликка олиб бориши мумкин.

**Яна айрим виртуал майдонларда қизиқарли маълумотлар пайдар-пай бериб борилади. Улар чиндан ҳам қизиқарли. Лекин фойдали эмаслигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик зарур. Масалан, узоққа тупириш бўйича дунё биринчилигини қўлга киритган бир нодон кимса ҳақидаги хабар бизга, оиламизга ва фарзандларимизга нима беради? Ундан кўра, ўз ҳаётимизда қилишимиз шарт бўлган юзлаб муҳим ишларимиз билан машғул бўлганимизнинг қарра афзал эмасми?**

Баъзи бир мансабдорларнинг қонунга ҳилоф айрим қилиқларини тасвирга олиб, интернет орқали тарқатиш билан бирон яхшиликка ➔





← эришиб бўлмайди. Агар имкони бўлса, жамоатчилик назорати асосида ўша амалдорга танбех бериб кўйиш самара бериши мумкин. Аммо интернетга чиқиб «ноғора қоқиш»га айримларда аллақачон иммунитет шаклланиб бўлган. Мансабдорнинг қонунни бузиши бир муаммо бўлса, уни яширинча тасвирга тушириб интернетга жойлаган кимсанинг иши ҳам қонунга мувофиқ эмас. Қолаверса, ким бўлишдан қатъи назар ҳар бир инсоннинг шаъни ва инсон сифатидаги обрўсини омма олдига поймол қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилган эмас.

\*\*\*

Бир киши боласини буюк бир нотикнинг хузурига олиб бориб: «Ўғлим ҳам худди сиздай буюк нотик бўлиши учун нима қилишим керак?» деб сўраса, «Қандай қилиб зўр гапиришни ўрганиш унчалик муҳим эмас. Сиз, яхшиси, фарзандингизга қачон ва қандай ўринларда жим туриш кераклигини пухталаб ўргатинг. Гапиришни эса, ўз-ўзидан ўрганиб кетаверади», деган экан...

Ёши улуг нуроний инсонлар сал бечакки сўз айтган кишига: «Оғзим бор деб ҳамма нарсани гапирасанми», деб танбех беришади. Демак, оғиз деган богичсиз ангишвона нимани гапириш, нимани гапирмасликни ҳам яхши билиши керак экан. Ота-оналаримизнинг бу танбехи бизнинг асрлар ошиб келаётган юксак маънавиятимиз, оилавий қадриятларимиз силсиласидаги бир олтин халқа вазифасини ўтайди.

Мустақиллик бир қадар маънавий тушунча, бироқ у мавҳум ҳодиса эмас. Ватан мустақиллиги фуқарога барча соҳаларда мустақил фаолият имконини берди. Бу ўз навбатида фуқаронинг ҳуқуқини кафолатлаши билан бирга мажбуриятини ҳам белгилаб беради. Мустақилликни ўз-бошимчалик деб тушуниш бу – маънавий маҳдудликка олиб боради. Ҳуқуқ ва мажбурият эгиз тушунча. Ўз ҳуқуқига эга инсон ўзгалар ҳуқуқини ҳам ҳурмат қилиши, уларга дахл қилмаслиги шарт. Кейинги йилларда инсон ҳуқуқларининг кафолатини акс эттирувчи бир қанча имкониятлар яратилдики, бундай имкониятлар уммонда баъзан нима қилаётганини билмай қолганлар ҳам йўқ эмас.

Аслида интернет ресурслари инсонга дастёр бўлиши, билимини бойитиш, ўқиб-изланиш ўрганиш, ҳаёт ва мутахассислиги учун энг муҳим маълумотлар, янгиликлар билан танишиб бориш, ҳуллас, оғирини енгил, узоғини яқин қилиши учун зарурий омилга айланиши керак. Акс ҳолда, осмонга тупирсанг, юзингга тушади, нақлидагидай бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

\*\*\*

«Мен бу ерда ўт ёқсам, Фарғонада тутини...»

Бугун биз қайсидир хилватларда ёқаётган ўтлар аччиқ тутини бурқситиб, одамларнинг кўзларини ёшлатиши эмас, кимнингдир қоронғи йўлини ёритадиган маёқ бўлиши керак аслида.

Анвар ХУДОЙНАЗАРОВ



# КўНГИЛДАН ЧИҚҚАН ХАДЯ

Йўлдан оздириши ҳам, тўғри йўлга бошлаши ҳам мумкин

## Қизлар дастрўмол тўқима қўйди

Ўтган асрнинг 60-80 йилларида ёш қизлар бўш вақт топдим дегунча каштага гул тикишарди. Аввал ота-онаси, сўнгра ака-укаларига чиройли гул тўқилган каштали дастрўмол совға қилишарди. Бор чеварлик маҳоратини ишга солиб, чеккаларига мунчоклар тақиб алоҳида бир дастрўмолни кашталар эдики, қизлар уни унаштирилган йигитига ҳадя қилишарди. Қирчиллама қувётуралар чиройли каштали дастрўмолнинг бир учини чўнтагидан чиқариб қўйишардики, уни кўрган одам бу йигитнинг вафодор қаллиғи борлигидан дарак берарди.

Хўш, хозир-чи, кашта тикадиган, дастрўмол четларига мунчок қадаб, тўқийдиган чевар қизлар топиламмикан?

## Ҳадеб гул совға қилинаверадими?

Одатда яқин инсонларга гул тўқфа қилиш одатини унча хушламайман. Ахир гул табиатнинг тирик бир бўлаги, у ўсиши, яшаши керак. Қолаверса, гул теварак-атрофга кўрк бағишлаб туради. Тўғри, гул сувдонга солиб қўйилса, уч-тўрт кун яшнаб туриши мумкин, бироқ барибир шундан кейин қовжираб, қуриб қолади ва чикиндаги ташлаб юборилади. Энг ачинарлиси, гулни ким, қачон, нима муносабат билан тўқфа қилингани кўпчиликнинг эсидан ҳам чиқиб кетади. Шу боисдан ҳам одамлар гул совға қилишдан олдин ана шу оқибатларни ўйлаб кўриши керак.

## Тўқфаларнинг энг яхшиси

Яқин инсонингизга қадри баланд (майли арзон бўлсин) нарсаларни ҳадя қилишнинг ҳикмати кўп. Мисол учун, барча неъматлар орасида энг арзон, лекин қадри нарсаси бу – китоб. Қани эди ҳамма ёшлик даврданок бир-бирига китоб совға қилишга одатланса, бундан ортиқ улуг фазилат топиладими?

Синфдошлар, тенгдошлар ва бошқа сабоқдошлар, қариндош-уруғ, дўстурафиқлар бир-бирига совға ёки эсдалик тарикасида китоб совға қиладиган бўлса, ўз даврида уни ўқиб, бир олам таассурот олинади. Шунингдек, йиллар ўтгач бу китоб илиқ хотираларни эсга солиб, уни совға қилган кишини меҳр билан ёд этилишига туртки беради. Шу боисдан ҳам «Совғаларнинг энг яхшиси китоб!» дея ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин.

Ўтган асрнинг 80-йилларида опам турмушга чиққанида унинг дугоналари совға тарикасида ҳар хил китоб кўтариб келишганди. Ўша китоблар уйимизда хозир ҳам бор. Уларнинг баҳосига эъти-

бор бераман: 75 тийин, 1 сўм 10 тийин, 1 сўм 50 тийин ва ҳоказо. Ўта даврда 1 сўмга беш дона музқаймоқ беришини инобатга оладиган бўлсак, китоблар жуда арзон бўлган экан. Лекин ана шу арзон битиклар йиллар давомида онламир аъзоларининг тафаккури, дунёқараши юқалишига, маънавий савияси ошишига жуда қатъи манба бўлди.

## Сохта китобхонликдан фойда йўқ

Бугунги кунда китобнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида жуда кўп гапириляпти. Айрим маҳаллаларда турмушга узатилаётган келиннинг сепига жилд-жилд китоблар қўшиб бериляпти. Яқинда ойна жаҳонда қайсидир ота-она қизининг сепига Алишер Навоий ҳазратларининг 10 жилддан иборат китобларини қўшиб узатаётгани ҳақидаги хўрсатувни кўриб қолдим. Очиги, бу қанчалик самимий эканини билмайман, бироқ улуг мутафаккир бобомизнинг 10 жилд битигини ўқиш ва ўқиш учун келин-куёв маънавий ва маърифий жиҳатдан тайёр бўлиши лозим. Яхшиси, фарзанд мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ байрам ёки туғилган кун баҳонасида унга Алишер Навоий асарлари ва бу асарларга мўлжаллаб нашр этилган луғат китобларини тўқфа қилиш зарур. Ана шунда ёшлар мумтоз адабиётни ўқиш ва ўқиш қўникмасига эга бўлиб қамолга етади. Сепга қўшилган 10 жилдлик китоб аксарият хонадонларда мухташам мебелларни беэзаб тўлдириб туради, ҳолос. Келин ва куёв уни ақалли бир марта ҳам қўлига олиб кўрмаслиги мумкин.

Истардикки, китобхонлик қўзғабўямачилик ва дабдабаозликдан холи бўлса, Ота-она ўз фарзандига китоб совға қиларкан, ўғил ёки қизининг ҳам ўз дўсти ва яқинларига китоб совға қилишга одатлантириш керак. Ана шундагина чинакам китобхонлик шаклланади, маънавият юқсалади, инсоният қалби тозарлади.

## Сиз нима танладингиз?

Хўш, сиз-чи, дўстингизга нима совға қилмоқчисиз? Бу ҳақда бошингиз роса қотган кўрнадиди. Маслаҳатим шуки, ҳеч иккиланмай китоб ҳадя қилаверинг, икки оғиз эзгу тилақларингизни эсдалик сифатида ёзиб қўйсангиз яна-да яхши. Ҳар давр, ҳар замонда, йиллар ўтгач бу китоб ўзи каби сизнинг қадрингизни ҳам оширади. Уни ҳар сафар қўлга олганда дўстингиз сизни илиқ меҳр билан эсга олади ва ҳаққингизга эзгу тилақлар тилайди. Ахир сиз учун бундан ортиқ бахт-саодат бўлмаса керак.

Эрпўлат БАХТ





28

Байрамингиз қутлуг

бўлсин, азиз юртдошлар!

## ҚАЙНОНА-КУЁВ ҲАЖВЛАРИ

# ЎЗБЕККА ХОСМИ?

### ёхуд қош қўяман деб кўз чиқариб қўйманг

Яқинда телевиденида «Қаҳқаҳа» гуруҳи чикишини кўриб қолдим. Улар сайёхлик агентлиги фаолиятини намойиш этишди. Биринчи – агентлик ходими, бири – саёхатга орузманд одам. Ходим мижозга турли мамлакатларни тавсия қилиб, улардаги диққатга сазовор жихатларни санайди бирма-бир...

– Мана, Таиландга саёхат қилинг, денгиз, тоза ҳаво, пальмалар... нақ экзотига. Тимсоҳлар ҳам бор. Тимсоҳ кўрганмисиз ўзи?

– Ҳа кўрганман.  
– Қаерда?  
– Қайнонам ҳар замонда келиб туради...

Залда ўтирган эркагу аёл гурра кулади. Даҳшатли ва ажабтовар ўхшатишдан қайноналарини кўз олдида келтирган эркаклар тиззаларига ургача қотди? Мен кулолмидим, кулгим келмади, қайтанга энсам қотди. Нега дейсизми?

Кейинги пайтларда кизикчиларимиз (аксариятнинг масхарабоздан фарқи қолмади) ўз репертуарларига албатта қайноналар ҳақидаги латифаларни кўшишни одат қилиб олишди. «Менинг қайнонам...», «ўйимизга қайнонам келганди...», «душман тараф...» Бир-бирдан бачкана латифалари билан кулдира-кулдира охирида ўзларини оқлаб ҳам олишади: бу шунчаки ҳазил... Энг ғалатиси, ўша залда турмуш ўртоғи фарзандлари билан бир қаторда қайноналари ҳам ўтирган бўлади. Тунов куни биттаси алмисокдан қолган латифани айтиб чиқибди телевиденида. Буни сиз ҳам эшитгансиз кўп бора: «Хотин, белимга туфуриб қўй». «Нега дадаси?» «Дўхтир илоннинг захарини суртинг деди». Қизқичимиз шу латифани ҳам ўзгартириб, ўзича зўр топилма кипти. Хотинга эмас қайнонага туфлатибди. Белигамас, юзига тупурмабди деган фикр ўтди ҳаёлимдан.

Булар бир ҳазил-да, нима бўпти, уларнинг касби шу, чипта сотиб олиб концертга кирган одамларни қандай қилиб бўлса ҳам кулдириш. Лекин ўзбекона урф-одатларимизга бир қур назар ташласак, саҳнада ҳар қандай гапни ҳам валдира-вермаслик кераклигига амин бўламиз. Қайноналар мавзуси шулардан бири.

Одатда ўзбек жамиятида қайнона-келин муносабатлари мавжуд. Гоҳ салбий бўлсин, гоҳ ижобий бу муносабатлар табиийлиги билан аҳамиятлидир. Махалларда, ток-шоуларда муҳокама қилинадими, кизикчиларимиз томонидан кулгу остига олинадими, барча бирдек табиий қабул қилади (лекин қайнона-келин мавзусида ҳам меъёр бўлиши керак, кўп ҳолларда қайноналар кулгу орқали чидаб бўлмас ҳақорат қилинадики, бу ҳам алоҳида мавзу). Аммо қайнона-куёв муносабатлари ҳақида бундай деб бўлмайди, бу муносабат ўта жиддий бўлиши билан бирга, ўта нозик ҳамдир. Хўш, унда нега кизикчилар бу мавзуга бот-бот мурожаат қилишмоқда? Сабаби оддий: қайнона-куёв муносабатлари тилга олинган латифалар, анекдотлар интернетда тикилиб ётибди. Ва ҳаммаси рус тилида, русларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳолатларнинг бўрттирилган талқинлари. Бизнинг шоввоз латифачиларимиз ўша анекдотлар ичидан энг «яхши»ларини танлаб олади-да шартта ўзбекчалаштиришади. Қарабсизки, дўппию чопон қийган бир сап-сарик нухса пайдо бўлади. Ўтирадимиз, Қожибой Тожибоевга ўхшаб изланиб, ўз устида тинмай ишлаб. Тайёрини таржима қилса бўлди, одамлар кулаверади.

Бежиз «русларнинг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳолатлар»га ургу бермадим. Гап шундаки, ўша латифаларни рус тингловчилари табиий қабул қилади. Негаки, улар ҳаётида кўпроқ қайнона-келин эмас, қайнона-куёв муносабатлари устуворлик касб этади. Русларни камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, уларда ёшлар оила қурганларидан кейин, биздан фарқли ўларок, аксарият ҳолларда куёв келин-

нинг уйида яшай бошлайди. Шу тарзда биз «ичкуёв» деб атайдиган ва сал бошқачарок қабул қиладиган вазият улар учун оддий ҳолга айланади. Бунинг кўплаб объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Буни кўни-кўшнларимиз ҳаёт тарзи, кинофилмлар орқали кўрганмиз, билганмиз. Жон бор жойда жанжал бўлади, боз устига куёв тушмагур ғирт дангаса ва ичкиликка ружу қўйган бўлса. Онанинг табиийки қизига раҳми келади. Куёвга қилган насиҳатлари қор қилмагач жанжалу тортишувлар авж олади. Бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўки йўқ – қайнона қувдан ёзғиради, куёв вайсаки кампирдан безор. Шундай «жабрдийда» тўртта куёв жам бўлиб қолсами, киттай-киттай олгандан сўнг қайноналарини «сыйлашга» тушишади, кимўзарга анекдотлар тўкилади, тор доирадаги бу латифалар катта саҳналарга йўл олади.

**Ана кулги-мана кулги. Ҳеч ким хафа ҳам, ҳайрон ҳам бўлмайди. Чунки ҳар қандай миллатнинг адабиёти, мақол ва маталлари, латифаларига ҳам ўз яшаш тарзидан, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлади, шаклланади.**

Биз ўзбекларга эса бу ҳолат бегона. Азалдан ўзбеклар куёвларни ўзгача ҳурмат қилиш фазилати билан ажралиб турган. Куёвларни пайғамбарлар сийлаган, ибораси ҳам айнан бизда бўлса керак. Чунки ўзбек оналари кизининг тушган жойида тош қотишини истайди. Бу йўлда ҳар қандай чораларни кўради. Қизи уйига келса, тансик таомлар билан сийлайди, қайтишида, куёвининг ҳам оғзи тегсин, дея ўша овқатдан

туғиб беради қўлига. Қизи аразлаб келса, дарров куёвнинг гўрига гишт қаламайди. Эр-хотиннинг уруши – доқа рўмол қуриши, қабилида иш тутади. Қизининг устидан арз қилиб захрини сочган куёвга, болам, дейди, қизим ҳали сал ёшроқ-да, дейди, ўзим насиҳат қилиб қўяман, дейди, сиз овқатдан олинг, болам... Қайнонадан бу хурматни кўрган ҳар қандай инсофли куёв гиналарни унутади-да, албатта. Эр-хотин кўп жанжаллашса-да қайнонасининг оқиллиги билан оиласи сақланиб қолгани, кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетгани учун қайнонадан миннатдор куёвларни кўп кўрганман.

Тўғри, куёвини хушламайдиган қайноналар, қайнонасини кўрса пешонаси тиришадиган куёвлар йўқ эмас. Аммо бу айрим мисоллар ўзбек жамиятидаги ҳақиқий қайнона-куёв муносабатини англамайди. Бирок бундай бачканаликларга чек қўймасак, уйланмаган йигитлар онгида қайноналар ҳақида жудаём нотўғри тушунчалар, хулосалар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Ҳар қанча хато бўлмасин, онг остига ўрнатиб қолган тушунчадан воз кечиш қийин бўлади. Кейинги пайтларда қайноналарини муҳокама қиладиган, тап тортмай ёмонлайдиган эркакларнинг пайдо бўлиб қолаётгани балки катта саҳналарда айтилаётган ана шундай латифалар «меваси»дир. Эҳтимол, ёмонлашга арзирли сабаблар бордир-да, дейишингиз мумкин. Тўғри, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қайнонаси гийбатини қилиб юриш эркакчиликка тўғри келмайди-да.

Қайноналар ҳақидаги тугуруксиз латифаларни эшитганимда ҳар сафар кизларига бекалик сирларини ўргатиб улғайтирган, ўқитиб, эрларига мухтож бўлмайдиган даражада нонини бутун

қилиб қўйган, бир умр куёвларини эъозлаб яшаган, саксондан ошса ҳам олтишидан ошган куёвлари келгудек бўлса ҳамон қават-қават кўрпача солиб, орқасига ёстик қўйишни қанда қилмайдиган онажоним кўз олдимга келади. Қизикчиларимизнинг ўзидан ҳам бачкана ана ўшандай чикишларини кўрганмида мехмонга борсам ҳам, мехмонга келса ҳам ўтқизгани жой топполмай қоладиган, болам-боламлаб бағрига босадиган, пулдор ўғиллари олиб берган қатор-қатор қийнлари қолиб қайсибир байрамда совға қилган рўмолимни, болам олиб келган Тошкентдан, дея давраларда қайта-қайта мақтаниб юрадиган қайнонам-онам (охирати обод бўлсин, илоҳим) гавдаланади. Шунинг учун қайноналар ҳақида бундай беўхшов, ясама латифаларга кулолмайман. Шундай латифа айтигиларга эса раҳмим келади: тирикчилигинг курсин!

...Майли, шу харитадан ўзингиз хоҳлаган жойни кўрсатинг, жўнатамиз, – дейди «қаҳқаҳачи» агентлик ходими мижозга. Мижоз бармоғи билан бир жойни танлайди. Ходимнинг капалағи учди гўё.

– Тўхтанг, тўхтанг, бу ерни тавсия қилмайман. Бу ер жуда ҳавфли.

– Нега, қанақасига ҳавфли?  
– Одамхўрлар бор.  
Мижознинг черхаси ёришади:

– Роса менга черакли жой экан, шу ерни алоҳида белгиллаб қўйинг, илтимос.

– Нега?  
– Келаси йили қайнонамни юбораман...

Кулгилими? Фақат шопманг, ўйлаб кўринг. Сизнинг ҳам онангиз қайсиқидир йигитнинг қайнонаси ахир!

Сумонжон ЙЎЛДОШЕВ,  
журналист



Ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб бўлди. Афсуски, уни назорат қилиш, фойдаланишни чеклаш билан иш битмайди. Шу боис, бу макон яхши-ёмон, керакли-керакисиз, фойдали-фойдасиз маълумотлар билан тўлиб боришти. Тармоқлар акс-салоси расмий оммавий ахборот воситаларида, керак бўлса, хорижий матбуотда ҳам кўриниб турибди. Бир муддат олдин юртимиздаги таълим муассасаларида бўлаётган кўнгилсизликлар, ўқитувчи ва ўқувчининг тортишуви акс этган тасвирлар тарқалгани ва бу кўйлаб фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлгани ҳам бор гап.

# ЯНА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Бугун ҳар бир одам замонавий телефонлардан фойдаланади. Оддий фукарлар бир жойда уй бузилса, ниманидир ноҳақлик деб билса, расмга ёки видеога олиб, ижтимоий тармоқларга қўйяпти. Мактабда ёки боғчада нимадир бўлса, у ҳам «чикиб» кетяпти. Мутаасаддилар бунга жавоб беришга мажбур бўляпти. Бугун ижтимоий тармоқлар жуда тез ривожланипти.

Тез орада янги ўқув йили бошланади. Шу боис, ўқувчилар тарбияси, педагоглар маъсулияти, ота-оналар зиммасидаги тарбия юки борасида сўз айтмоқни истадик.

Ўспирин, ўсмир ёшдаги ўқувчилар бугун интернетни, ахборот-коммуникация технологияларини жуда яхши тушунади. Бу қувонарли, албатта. Аммо улар томонидан тасвирга туширилиб, тарқатилаётган маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ишончлими? Ёки унинг туб негизига нима ётибди?

– Техниканинг, интернетнинг оммалашуви сабаб, кўйлаб кўнгилсизликлар келиб чиқаётгани бизни ўйлантиради, – дейди Тошкент шаҳри Олмазор тумани халқ таълими бўлими мудири Замира Азимбоева. – Ўқувчининг ўқитувчига нисбатан ёки бунинг акси бўлган ҳолатларнинг тасвирлари намоён бўлиши, огоҳлантириш берилишининг гувоҳи бўляпмиз. Лекин нима ўзгаради? Дарсада тўполон қилган, одоб-ахлоқ нормаларига бепасанд бўлган фарзандларимизнинг тақдири яхши бўлиб қоладими? Агар ўқитувчига жазо берилиши ортдан болаларнинг билими ошса ёки тарбияси яхши бўлса, қани эди, дегим келади. Бу каби хатти-ҳаракатлар боланинг олдига ўқитувчининг кадри тушишига, хурматсизлик муҳитининг пайдо бўлишига олиб келади, ҳолос. Педагог ўз-ўзидан кўпол муносабатда бўлмайди ёки кўл кўтармайди. Шундай ўқувчилар борки, яхши гапни тушунади. Шундай ўқувчиларимиз ҳам борки, яхши гапни қўя туринг, хатто ёмон гап ҳам таъсир қилмайди. Бундай болаларнинг оиласидаги муҳитга эътибор бериш керак. Лекин тан олиб айтаман, гуруҳ курмакисиз бўлмайди. Ўқитувчилар орасида ҳам вазиятни тўғри баҳолаш оқилойдигани, қуёшқондан чикиб кетадиганлари ҳам бор. Аммо улар ҳам инсон. Шу боис, таълим-тарбия жараёнидаги баъзи ҳолатларни фожа деб билиб, хато хулоса чиқариш, салбий муносабатда бўлиш тўғри эмас.

– Ўтган ўқув йили охирида ижтимоий тармоқларда бир видео тарқалганди. Касбим нуктаи назардан интернетда тарқалган видеони телефонимга юклаб олдим. Унда ўқитувчига кўл кўтарган ва ҳақорат қилган ўқувчи тасвири бор эди. Ишдан қайтгач, турмуш ўртоғимга бунни кўрсатдим. Афсусланарлиси, ўзим билмаган ҳолда фарзандларим олдига шу ишни қилдим. Лекин бу ишнинг ёмонлигини, ўқувчи учун бу мумкин

эмаслигини фарзандимга айтиш ёдимдан кўтарилди ёки эътибор бермадим, – дейди бир хамкасбим.

Эртаси куни ўғлимнинг ўқитувчиси кўнгирок қилиб, «Унга танбех берганим учун овозини кўтариб муомала қилди, агрессив ҳолатда эди. Уй тинчми?», деб сўради. Шундагина хатойимни англадим.

Бу воқеа бола тасаввурини шу қадар тез қалғитди? Биз, катталарнинг билиб-билмай қилаётган хатоларимизнинг асорати эмасми бу?

– Болалар хатто мультфильмнинг ёққан қисмини ўз онига ёзиб олиш маҳоратиغا эга, – дейди психолог Лайло Нодирова. – Чунки онг учун чегара, вақт, тўсиқлар йўқ. У қандай кўрса, шундайлигича ёзиб олаверади. Хатто сўнг ундан чиқарилган хулоса бола онги, акли билан бир-бирига боғланмаслиги мумкин. Биз кўп бор ўқитувчига гап қайтариш мумкин эмаслигини айтпмиз. Лекин видеода у бошқа нарсани кўряпти. Бу ҳолат унга ёқиб қолди. Демак, шундай қилса бўлади, вазиятдан чиқишга ёрдам берадиган ҳолат, деб ўйлайди. Унда вариантлар пайдо бўлади. Агар вазият тақозо қилса, бу янги усул бўлгани учун бу ҳолат жуда тез юзага чиқади. Агар қандайдир муаммага дуч келсак, бу ҳақда кўп ўйлаймиз. Ораддан қанчадир вақт ўтиб, қандайдир ечим борлиги хаёлимизга келади. Шундай пайтда онгимизда охириги ёзилган ҳолат, ечимлар биринчи юзага чиқади. Ўқитувчини ноҳақ деб баҳолаган ўқувчи онгига ечим сифатида кўрсатилган гаплар, хатти-ҳаракатлар қайсидаир ҳолат, вазият, маълумотлар орқали сингган. Вақти билан бу кўринади. Маълумки, онгимиз онг остини хаёмиша ҳам назорат қила омайди. Қундалик ҳаракатларимизни онг остидаги ёзувлар бошқаради. Бу билиб-билмай йиғиб бориладиган ахборотлардир. Бир нарсани аниқ айта оламан. Боланинг кўчадаги ҳар қандай вазиятга муносабати остиде оиладаги муҳит ётади. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани борича, батафсил ва оқилона тушунириш керак. Тартиб нима эканини фарзандларимизга англаштириш ота-онанинг вазифасидир.

**Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларнинг тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши ҳолатлари қайд этилганда қонуний жазо турлари ҳам мавжуд.**

– Маъмурий жиноят тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (*шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши*) – яъни Оила кодексининг (ОК) 73-моддасида кўзда тутилган



мажбуриятларни писанд қилмаслик ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланган, – дейди Тошкент шаҳар, Миробод туман Маъмурий суди раиси Сухроб Йўлдошев. – Шу билан бирга, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсиқлик қилиш – яъни ОКнинг 73-моддасини бузишда фаол ҳаракатларни бажариш жазосиз қолмайди. Шунингдек, бу каби хатти-ҳаракатни такрор содир этганлик учун оширилган жазмалар ва хатто 15 суткагача муддатта маъмурий қамқоқ жорий этилган.

Ақсарият ҳолларда оиладаги салбий муҳит тарбияси оғир бола шахсининг шаклланишига олиб келади. Оилада соғлом муҳит бўлмаслиги асосан худбинлик ва бошқа салбий хислатларни тарбиялайди. Эҳтимол, таълим муассасаларида бу каби ҳолатларнинг кузатилаётгани ҳам оилавий муҳит билан боғлиқдир. Фарзандини севувчи, унга фақатгина яхшиликни раво кўрувчи ота-оналар орасида ҳам зарур педагогик маданият етишмаслиги сабабли, фарзанди учун носоғлом муҳит яратилиши мумкин.

Табий муассасада шифокор кўригида навбатда турганимизда айтиш мавзуда гап очилди. Шунда пойтахтнинг ўзини Гулинигор Ҳасанова деб таништирган аёл бир воқеани сўзлаб берди.

– Шайхонтоҳур туманидаги бир мактабнинг ёнида танишимни кутиб тургандим. 10-11 синф ўқувчилари, шекилли, танаффус вақтида шундай сўзларни ишлатишарди-ки, ҳайрон бўлдим. 9-синфда ўқийдиган ўғлим бор. Чўчиб кетдим. Наҳотки, у ҳам шундай бўлса. Уларнинг иккитасининг суҳбати эътиборимни тортди. Биринчи «ҳозир дарса устознинг асабини бузмаман, жажли чикиб уришиб беради, сен шунини видеога ол. Тарқатворамиз. Ижтимоий тармоқларда лайк йиғамиз...». Уларнинг ҳамма гапини илғамадим. Тўғриси, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим. Тушунайсизми? Улар нимани режалаштиряпти? Шундан сўнг фарзандимнинг телефонидеги маълумотларни текширадиган бўлдим.

Ўқитувчи баджаҳл, жазавали, қахрли касб соҳибни эмас, балки фарзандларимизга сабоқ берадиган мутахассислардир. Буни ҳамма, ўқитувчиларнинг ўзи ҳам тўғри англаши фойдадан холи бўлмайди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,  
ЎЗА муҳбири

# ИЛМНИНГ КУЧИ

*Юрган дарё, ўтирган бўйра дейдилар. Мен сизга ўтирган дарё ҳақида сўз очмоқчиман.*

Фармон ақанинг уйишга Яратган эгизакларни марҳамат этди. Ило эгизакларнинг бири соғлом, бири эса оёқ қисми ва бир қўли шол бўлиб туғилди.

Фармон ақанинг меҳри соғлом боласига кўпроқ тушди. Аёли иккаласини ҳам бирдек кўрди. Каттасини Ақбар, кичигини Иноят деб қақширди.

Ақбар қадам боса бошлагач қўчаннинг у томонидан бу томонига югуриб тинмасди. Кўчадаги ўзи тенгилардан анча эпчил, уddaбурон ва бақуват эди. Уларга кучини кўрсатишга ҳам уста бўлиб ўсди.

Бироқ оилада бошқа гўдак йиғиси эшитилмади. Ақбар болаликнинг неки шўхлиги, эркалиги бўлса барини кўрди. Иноят бир жойда ётар ёки ўтиришга имкони бор эди. Онаси гоҳида кўтариб дарахт тағидаги сунага олиб чиқарди. Зерикмасин деб онаси олдига келтириб қўйган газета-журнал ва китобларни варақлаб, ўқини ёзишга бошқача меҳр қўйди. Тўртга тўлмасдан ўқини ҳам, ёзини ҳам онасининг кўмагида ўрганиб олди.

Шифокор кўригида бир неча бор бўлишди. Текширувлар баъзан фойдасиз деса, баъзан катта марҳамат эвазига қилиб кетди.

Ақбарни мактабга кузатишди. Иноятни уйга келиб ўқитишга нафақадаги онахон ёлланди. Тўғривоғи мактаб томонидан юборилди. Онахон келиб тушлик-кача озроқ тушунча бериб, ўзи қовуш, жемфер тўқшида давом этарди.

Иноят ўзи китоблардан ақл эмди. Онасига баъзан китоблар буюртма берад эди. Маҳаллада кимда не китоб бўлса, ҳаммасини ўн беш ёшгача ўқиб бўлди. Бир куни онахондан катта кўзё борми бизда, дея сўради. Онаси излаб топди.

– Тилла игна топилаармикан она? Онаси қўли қолди.

– Нима қилсан уни?

Индамади. Онаси боласининг ҳеч қачон ўқинини истамаганди. Қўшинларнинг уйда мароқкорчилик қилиб йиғиб қўйган пулига заргарча бориб иккита қичкина тилла игна яратиб келди. Иноятнинг қувончидан кўра онаси боласини бахт орасида кўриб шодлиниб кетди.

Кўзғуни онасига илтимос қилиб қаршисига қўйдирди. Онасини хонадан чиқиб туришини сўради. Китобда ўқиганидек икки чаккасига мўлжал қилиб игналарни санчди. Оддий иснани оёқ-қўлларига санчиб кўрди. Ниманидир сезди. Демак, самара берад экан.

Онаси боласининг хавотир олиб ташқарида туролмасдан уйга кирди. Қотиб қолди. Иноят ҳаммасини тушунирди. Бир ҳафталик муолажа самарасини аққол кўрсатди. Унинг оёқлари ва бир қўли ҳаётга қайтди. Фақат куч тўллаш учун вақт керак эди.

Шундай қилиб, ўтирган дарё деганим исботи сифатида шунини айтсам, бир жойда тўпқунлиб турган сув йўли бир кун очилса, йўлидаги ҳар нарсадан кучли бўлади. Иноят на мактаб, на олийгоҳ кўриб тиббиёт деган соҳада улкан бир тажриба билан қадам қўйди.



# «КЕГЕЙЛИДАВСУВМАХСУСПУДРАТ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**ХАЛҚИМИЗНИ ЭНГ  
УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ –  
МАМЛАКАТИМИЗ  
ИСТИҚЛОЛИНИНГ  
28 ЙИЛЛИГИ БИЛАН  
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!  
КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ  
ЎЗБЕКИСТОН  
РАВНАҚИГА  
ҚЎШАЁТГАН  
ҲИССАНГИЗ БУНДАН-  
ДА ЗИЁДА БЎЛСИН!**

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**



# «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор халқимизни, озод ва обод  
Ватанимиз таракқиёти йўлида  
фидокорона меҳнат қилаётган  
барча юртдошларимизни  
Мустақиллигимизнинг йигирма саккиз  
йиллик байрами билан самимий  
муборакбод этади!



UZTELECOM



**БАЙРАМИГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**



# «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ – ВАТАНИМИЗ ИСТИҚДОЛИНИНГ  
28 ЙИЛЛИГИ ШОДИЁНАСИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!  
ЎЗБЕКИСТОН КЎП АСРЛИК ТАРИХИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ДАВЛАТ,  
ЯНГИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА.  
ЮРТИМИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ  
ДУНЁГА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА.  
ХОНАДОНЛАРИМИЗДАН ФАЙЗ-БАРАКА  
АРИМАСИН. ЮРТИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛСИН!



## ЕМММ



## ИСТИҚДОЛ АЙЁМИ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!



# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



Озод ва обод юрда яшаётган барча ватандошларимизни  
Мустақиллик байрами билан муборакбод этади!  
Оилаларимизда тинчлик, ҳар бир хонадонда фаровонлик  
барқарор бўлсин!




Хизматлар лицензияланган.



## «ТРАСТБАНК»

хусусий акциядорлик банки жамоаси  
Халқимизни Ўзбекистон мустақиллигининг  
28 йиллиги байрами билан самимий  
муборакбод этади!  
«Фаол инвестициялар ва ижтимоий  
ривожланиш йили»да амалга ошираётган  
барча ишларингизда муваффақиятлар ҳамда  
улкан зафарлар тилайди.  
Ҳамиша хонадонингиздан  
файз-барака аримасин!



25  
ЙИЛ  
МЕНИНГ  
БАНКИМ!

Телеграм\_бот: @Trust\_Bank\_Bot  
Телеграм канал: @trustbankuz  
Фейсбук: facebook.com/trustbank.uz  
Сайт: www.trustbank.uz  
Инстаграм: instagram.com/trustbank\_uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Телефон: 78 140-00-88



Энг улуғ, энг азиз айём!

28

Жонажон

Ўзбекистоним,  
мангу бўл омон!

**НОРИН-СИРДАРЁ  
ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ  
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ  
ЖАМОАСИ**

**ХАЛҚИМИЗНИ ВАТАНИМИЗ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
28 ЙИЛЛИК АЙЁМИ БИЛАН  
САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ!  
ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАЛАРИ  
ҲАР БИР ОИЛАГА, ХОНАДОНГА  
ХУРРАМЛИК, БАХТ-САОДАТ  
ОЛИБ КИРСИН. ЮРТИМИЗДА  
ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК  
БАРДАВОМ БЎЛСИН!**




**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**



**«УЛУҒНОРДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН ХАЛҚИМИЗНИ  
САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!  
БАРЧАГА БАХТ-ИҚБОЛ, МУСТАҲКАМ  
СОҒЛИҚ, ОИЛАЛАРГА ТИНЧЛИК-  
ТОТУВЛИК ТИЛАЙДИ!**

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,  
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**







**Байрамингиз қутлуг бўлсин, азиз юртдошлар!**

## МАКТАБЛАРДА ПУЛ ЙИГИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Тожикистонда мактабларда ота-оналардан пул тўлаш қонунга зид, дея баёнот берди мамлакат таълим ва фан вазирлиги.

Вазирлик матбуот котиби Эҳсони Хушвахтнинг айтишича, мактабларда ота-оналардан ҳар қандай усул билан пул йиғиш қонунга зиддир. «Ҳа, бизга, айрим мактабларда ўқувчиларнинг, ҳатто биринчи синфлар ўқувчиларининг ота-оналаридан пул йиғишга ётгани ҳақида хабарлар келиб тушмоқда, аммо бу фактлар тасдиқланмади», – дейди у.

Ота-оналар фақат қўшимча дарслар

учунгина пул тўлашлари мумкин. «Тўлов шартномага асосан амалга оширилиши ҳамда қўшимча машғулотлар жадвали тасдиқланиши керак, ота-оналарга эса тўлов ҳақида қвтанция берилди», дея изоҳ берди вазирлик расмийси.

Кўп ҳолларда маъмурият пул тўлашни мактабни ободонлаштириш зарурияти билан изоҳлайдилар. «Вазирлик фармойишига кўра таъмирлаш, мебель ва жиҳозлар сотиб олиш, фаррошлар ва қоровуллар хизмати учун мажбуран пул тўлаш қатъиян ман қилинган, дейилади news.uz хабарига.

## 9 Ёшли Қиз 26 Километрли Бўғозни Сузиб Ўтди



Хитойлик 9 ёшли қиз Чжоу Ихань мамлакатининг Хайнань ороли ва қитъадаги Гуанлун вилоятини ажратиб турувчи Цюнчжоу бўғозини сузиб ўтишга муваффақ бўлган энг ёш сузувчи бўлди.

Қиз 26,7 километр масофани 13 соатда мустақил равишда сузиб ўта олди. Унинг уриниши ҳақиқатан мураккаб бўлган – сузиш давомида спортчини медузалар чаққан, кучли оқим олиб кетган.

Ихань билан бўғозни яна 9 нафар катта ёшли сузувчилар сузиб ўтишга уринишган. Бирок улардан 3 нафаригина бунинг урдасидан чиққан. Ҳар бир иштирокчи ортидан катта қузатиб борган, бироқ унга қўтарилиш тақиқланган.

Қизнинг отаси катерлардан бирида бўлган, у қизини бир неча марта тўхташга чақирган, бироқ Ихань матонат билан сузишда давом этган. Айнан отаси унга ўрناق бўлган: у 2018 йилда ушбу бўғозни 8 соатда сузиб ўтишга муваффақ бўлган.

## ШАРҲ

# РОССИЯ «КАТТА САККИЗЛИК»КА ҚАЙТАДИМИ?

G7 Ливиядаги инқирозни сиёсий йўл билан ҳал этишни қўллаб-қувватлади ва Гонконг ҳукуматини намоёнчиларга қарши қуч ишлатишдан воз кечишга чақирди

24-26 август кунлари Франция жануби-ғарбдаги Биаррице шаҳрида «Катта еттилик» (G7) саммити бўлиб ўтди. Саммитга Франция президенти Эммануэль Макрон раислик қилди.

РАА «Новости» хабарига кўра, G7 иштирокчи-давлатлари саммитда савдо-сотиқ, иқлим ўзгариши масалалари, шунингдек, Украина, Эрон, Ливия ва Гонконгдаги сиёсий вазиятни муҳокама қилишди. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти фаолияти самардорлигини ошириш учун унга ўзгартишлар киритиш режаси кўриб чиқилди.

Рўйхатнинг иккинчи бандидан Эрон ядро дастури ўрин олди. «Биз икки мақсадни тўлиқ ажратиб олдик: Эронда ядро қуроли бўлишига йўл қўймайлик ҳамда минтақадаги тинчлик ва барқарорликка кўмаклашиш», – дея қайд этди G7 аъзолари.

Шунингдек, Украинадаги вазият ҳам кун тартибда бўлди. Франция ва Германия яқин ҳафталада «Норманд формати»даги учрашувни таш-



кил этишни режалаштирмоқда. Якуний матбуот анжуманида Эммануэль Макрон «Норманд формати»даги учрашув сентябрда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида бўлиб ўтишни маълум қилди. Украина шарқидаги вазиятни ўнглаш борасидаги музокара-ларнинг ушбу формати 2014 йил июнида ташкил этилган эди. Сўнги қўшма учрашув 2016 йил октябрда Берлинда бўлиб ўтган.

Якуний баёнотнинг тўртинчи мавзуси Ливия бўлди. «Катта еттилик» иштирокчилари ушбу мамлакатда ўқотишни тўхтатиш режими барқарорлигини таъминловчи

ярашувни қўллаб-қувватлайди. «Биз фақатгина сиёсий қарор Ливиядаги барқарорликни таъминлашга имкон беради, деб ҳисоблаймиз», – дейилди ҳужжатда. Мамлакатлар раҳбарлари можарога алоқадор барча томонлар ва минтақавий ўйинчилар иштирокидаги халқаро анжуман ўтказилиш-ини кутмоқда.

Баёнотнинг сўнги банди Гонконгдаги вазиятга алоқадор. Якуний баёнот муаллифлари бу ерда ўра-вонлик содир этилишидан қочишга чақирган. Маълумки, Гонконгда июнь ойи боши-да экстрадиция тўғрисидаги қонуннинг кўриб чиқилиши

## ФЕРМЕРНИНГ ДАЛАСИДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА

Хазинани Сомерсет графлигида яшовчи хазина қидирувчи эр-хотин Адам Стейплс ва Лиза Грейслар топишга муваффақ бўлган.

Хазина бундан етти ой илгари топилган ва Лондон музейларидан бирига экспертиза учун топширилган. Хазина ёши ва унинг қиймати аниқлангач тафсилотлар оммага маълум қилинган.

Экспертиза ҳулосасига кўра, топилган жами 2571 дона қумуш танга қирол Гарольд II Годвинсон давридан қолган экан. Ҳар бир қумуш танга 1 мингдан 5 минг фунт стерлингга баҳоланган.



Буюк Британия қонунчилигига кўра, агарда музей топилиши сақлаш учун олмакчи бўлса, унда хазинани топганлар ва ер эгасига белгиланган муқофот пулини тўлайди. Ақс ҳолда хазина топувчиларнинг ўзлари тангаларни қиммоди савдосига қўйишга ҳақлидир.

## СУВ ОСТИДА ҚОЛАЁТГАН ЖАКАРТА Индонезия пойтахти ўзгарадими?

Индонезия ҳукумати мамлакат пойтахтини Жакарта шаҳридан Калимантан оролининг жануби-шарқий қисмига қўчиришни режалаштирмоқда. Аниқ жой ва муддат ҳали маълум қилинмади, аммо президент Жоко Видодо бу ҳақда парламентнинг август ойидаги навбатдаги сессиясида расман эълон қилди.

Қўчиришнинг асосий сабабларидан бири — шаҳар сатҳининг секин-аста чўкиб боришидир. Чўкиш йилга ўртача 1 сантиметрдан 15 сантиметргача етмоқда. Олимларнинг баҳолашига кўра, Жакарта 2050 йилга бориб тўлиқ сув остида қолиши эҳтимоли мавжуд. Пойтахтнинг ярми амалда аллақачон денгиз сатҳидан пастлаган, чунки шаҳар ботқоқ ерда жойлашган, уни Ява денгизи ювиб туради ва шаҳар ичидан 13 дарё оқиб ўтган.

Яна бир муҳим сабаблардан бири — пойтахт аҳолиси сонининг (30 миллион) тобора ошиб бориши ва бунинг оқибатида вужудга келган тирбандликдир. Uber компанияси тадқиқотларига кўра, Жакартада-



ги хайдовчилар йилнинг 22 кунини «пробка»ларда ўтказар экан. Бу Осиёдаги энг катта кўрсаткичдир. Тирбандлик меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилиб, йилга қарийб 7 миллиард доллар зарар етказмоқда.

Янги пойтахт Калимантанда — уч давлат орасида бўлиб олинган Борнео оролининг Индонезияга тегишли қисмидан ўрин олади. Орол марказида жойлашган Паланкарая шаҳри янги пойтахт сифатида танлаш учун асосий номзод бўлиб турибди.

Жакартада ривожланиш давом этади. Аҳолиси 2030 йилга келиб 35,6 миллион кишига етиши кутиляпти.

## МАЪЛУМОТ

«Катта еттилик» – Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, АҚШ, Франция ва Японияни бирлаштирган халқаро форум. Россия 2014 йилда Украина воқеаларидан сўнг учрашувдаги иштирокчини тўхтатди.

сия агар «Катта саккизлик»ка таклиф қилинса, буни қабул қилади, аммо ўзи бу ҳақда илтимос қилмайди», деган АҚШ президенти.

Италия бош вазири Жузеппе Конте бу фикрни қўллаб-қувватлаган бўлса, Япония бош вазири Синдзо Абэ бетарафлигини айтиб ўтган.

Бирок бошқа G7 гуруҳи аъзоларининг аксарият қисми қўллаганда саммит иштирокчилари сонини Россияни қайтариш ҳисобига саккизтага етказишни таклиф қилди. «Россия агар «Катта саккизлик»ка таклиф қилинса, буни қабул қилади, аммо ўзи бу ҳақда илтимос қилмайди», деган АҚШ президенти.

Италия бош вазири Жузеппе Конте бу фикрни қўллаб-қувватлаган бўлса, Япония бош вазири Синдзо Абэ бетарафлигини айтиб ўтган.

Бирок бошқа G7 гуруҳи аъзоларининг аксарият қисми қўллаганда саммит иштирокчилари сонини Россияни қайтариш ҳисобига саккизтага етказишни таклиф қилди. «Россия агар «Катта саккизлик»ка таклиф қилинса, буни қабул қилади, аммо ўзи бу ҳақда илтимос қилмайди», деган АҚШ президенти.



# НОМАРДЛАРГА АСЛО КУНИНГ ҚОЛМАСИН...

Халқ достонларининг моҳир куйчиси  
Ёдгор бахши Исоқовни ёд этиб...

# 28

Байрамингиз

қутлуғ бўлсин,

азиз юртдошлар!



*Ой Барчиним ёр-ёр,  
Гул Барчиним ёр-ёр.  
Ултонтоза текунча,  
Ўл Барчиним ёр-ёр...*

«Алпомиш» достонидаги бу сингари оддий ва халқчил сўзлар Ёдгор бахшининг халқ ижодиётига меҳр қўйишига, мисраларни хотирасида узоқ вақт сақлаб қолишига сабаб бўлди. Қолаверса, шоир тугилиб ўсган замин Эргаш Жуманбулбул ўғли, Исрол Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир Жомурод ўғли сингари эл назарига тушган оқинларни етказиб берган. Болалигидан ана шу жировларга ҳавас этиб, халқ достонларига қизиқиб уйғонган бўлса не ажаб. Ҳатто, у Исрол шоир ва Пўлкан шоир билан бир қадар сирдош ва яқин эди. Бахши дилтортар суҳбатлар асносида улкан оқинларнинг сўз ҳазинасига эга бўлгани аниқ.

## Ота юрт соғинчи

Анчадан бери Ёдгор бахши тугилиб ўсган манзилга бориш фикрида эдим. Ниҳоят эрта кўкларда Хатирчининг Полвонота кишлоғида бўлдим. Тепаликдан шоир тугилган Авохли кишлоғи гугурт кутисидек бўлиб кўринади. Қир-адирлар яшиллик билан қопланган. Жумлаи олам кўй-қўзилар маърашига, қушлар чуғурига тўлган.

Биз кўриб турган шу манзаралар бир вақтлар ёш Ёдгорнинг қалбига шеър ишқини солган, халқ достонларига ошно этган. Шоир қадим Хатирчининг Навандактепа, Умараминтепа, Хўжақўрғон, Куфин, Фароҳин, Қипчоқтепа ва Лангарота сингари калъаларни ёлғиз кезишни ёқтирарди. Беихтиёр, хаёлимдан уруш азобларини бошдан ўтказиб, юртига ярадор бўлиб қайтгач, ўқитувчи бўлиб ишлаган, сўнг Нарпай тумани Оқтош шаҳрида клуб мудир, Исрол шоир Назар ўғлининг котиби бўлган, 1964 йили Тошкентга кўчиб борган, еттита шеърый ва газаллар тўлланини чоп этиб, тўрт ўғил, уч қизни оқ ювиб, оқ тараб, уйли-жойли қилишни урдасидан чиққан сиймо жонланди. Тўғри, бунинг учун шоир ҳаётда канчадан-қанча машаққат, ранж чекишига тўғри келмаган дейсиз.

## Кўзи-қўчқор пешонаси дўнг бўлар

Туянинг ўрқачини эслатувчи тўлқинсимон қир-адирлар бағрида соатлаб кезишниннг ўзгача гашти, сурури бор. Негаки, инсон бундайгина қиска саёҳат давомида умрнинг ўткинчилигини теран ҳис этади. Бир учи уфқларга

туташ дала-тузни кезиш асносида Ёдгор бахши билан илк бор учрашиб, суҳбат оловини гуриллатган кезларимни ёдга олдим. Ушанда бахши шоир билан жуда кўп мавзуларда гурунлашгандик. Табиийки, суҳбатимиз бахшилар, уларни илҳомлантирадиган омилларга бориб тақалди. Шунда бахши шоир кўзини узоқ-узоқлардаги Нурота тоғ тизмаларига тикканича шундай деган эди:

– Бўтам, биласиз, заминимизда беда деган ўсимлик ўсади. Уни маҳаллий аҳоли қорақўрпа, йўнғичка деб ҳам атайди. Бу ўсимликни ўриб олишингиз ҳамон яна тез кунда буй кўрсатади. Халқ ижодиёти ҳам, бахшичилик ҳам шу бедага ўхшайди. Уни таг илдири, томири қақувват. Бу илдири халқдан куч-қувват олади. Шу маънода халқда гап кўп. Мен фақатгина бу бойликдан ўзимга керагини ола билдим. Ҳали бу сандиқда қўл урилмаган жавоҳири зеб-зийнатлар ўта сероб. Ишқилиб, зерикмадингизми?

– Йўк, – дейман баттар қизиқиб.  
– Ундай бўлса, сизга ўзим тўқиган орийт-гурур хақидаги «Бўлмасин» деган термани куйлаб бера қолай. Аввалдан айтиб қўяй, бу шеърни Ўзбекистон халқ хофиз Фахриддин Умаров ва Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров қиёмега етказиб ижро этган. Улардан ўтказиб айтишим мушкул.  
Карсон зардоли дарахтидан, қопқоғи тутдан ясалган дўмбирага жон кирди. У ажиб бир куй таратди.

*Дерлар, одам боши қаттиқдир тошдан,  
Ҳаётда нималар кечмайди бошдан,  
Яшашга товланинг темирдек ёшдан,  
Қайталанмас умр увол бўлмасин.*

*Асл фарзанд чиқар асл хонадан,  
Бошланади ҳурмат ота-онадан,  
Юз ўғирар ҳамма кибру ҳаводан,  
Авторингиз совуқ шамол бўлмасин.*

*Кўзи-қўчқор пешонаси дўнг бўлар,  
Мард йиғининг иши доим ўнг бўлар,  
Йиғин тушиб борсанг, номард зунг бўлар,  
Номардларга асло кунинг қолмасин.*

*Дўстсиз одам ўхшар беқанот қушга,  
Кечган умр ўхшар даҳшатли тушга,  
Нон дўстинг бошқа  
жон дўстинг бошқа,  
Дўстинг деб юрганинг душман бўлмасин.*

*Кечиринг, яхшилар, Ёдгор бахшини,  
Сизга айтган бўлса ёмон-яхшини,  
Яхши ошин ёйди, ёмон бошини,  
Богда тикон бўлманг, богдон юлмасин.*

Тўпланганлар «Ох!», деб юборди. Дунёга келтирган ота-онангизга,



шеърятга ошно этган устозингизга раҳмат, дея бахшини узоқ дуо қилишди кексалар. Ўзимча бахшининг қувваи хофизаси қақувват бўлиши билан бирга, у хис-туйғулар меҳнати билан ҳам астойдил шуғулланган экан-да, деб қўйдим. Чиндан ҳам фақатгина нозик туйғулар соҳибигина, тингловчининг хис-туйғуларининг жунбушга келтира олади. Бунга Ёдгор бахши билан учрашган куним гувоҳ бўлганман.

Оқин умри давомида «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Авазхон», «Ошиқ Ғариб» ва «Гўрўғли» туркумига кирувчи йиғирмага яқин достонларни ўзига хос усулда тарланган эди. Юзлаб термалар тўқиди, уларни давраларда баланд овозда ўқиди.

## Идрокни бошқара олиш санъати

Сизга бир сирни ошқор этайин. Бахши оҳанглар ёрдамида инсон боласининг ақл-идрокни бемалол бошқара олади. Қандай қилиб дейсизми? Бу иш дўмбира ёрдамида бажарилади. Сознинг нолиши бутун оламни сеҳрга буркаб, тингловчини бир ерга «михлаб» қўяди. Шу ваздан дўмбиранинг овози янграган захоти сизнинг кўз ўнгингизда дoston қахрамонлари Алпомиш, Барчиной, Гўрўғли, Ғиркўк ва бошқалар сиймоси бор бўйича жонланади, хаёллар узоқ-узоқларга етаклайди.

...Кўзинг сокин кунларидан бири. Ушанда кексалик гаштини сураётган, ўзининг Тошкентдаги уч хонали квартирасида камтарона ҳаёт кечираётган Ўзбекистон халқ хофиз Фахриддин Умаровни сўроқлаб бордим. Уйга тақлиф этди. Гап орасида эл суйган хофиздан Ёдгор бахши хақида сўрадим.

– Э, бу одам дунёда топилмайдиган ноёб эди. Ичи тўла дoston, терма эди. Барақли ижоди, одамхунлиги қолди, – дея Ёдгор бахши хақида узоқ вақт тилидан бол томиб гапирди.

Ушанда хофиз бахши билан илк учрашуви хақида сўзлаб берган эди:

«Бир тўйда дўмбира чертиб, халқ оғзаки ижоди намуналарини кифтини келтириб куйлайдиган Ёдгор бахши Исоқов билан танишиб қолдим. Билишимча, оқин ўзбек дostonчилигининг булбулзабон куйчиларидан бири Исрол шоир Назар ўғлининг салокатли шоғирди экан. Устозидан яхшигина сабоқ олгани шундоқкина билиниб турарди. Тез орада бир-биримиз билан эл бўлиб кетдик. Эҳтимол бунга болалигимдан халқ оғзаки ижодида меҳр қўйганим, ошифталигим сабаб бўлгандир. Хуллас, хайрлашар чоғи бахшидан қўшиқбоп шеър сўрадим. Тез орада у илтимосини ерда қолдирмай «Бўлмасин» деб номланган ашёр ёзиб берди. Биринчи сатридаёқ юрагим жиз этди. Уша кун ажайиб бир қўшиқ яратилди. У қўшиқ менга бир олам шуҳрат келтирди. Кейинчалик ҳам бахши билан ижодий ҳамкорлик қилдим. Ёдгор бахши каламига мансуб «Айрилса», «Яхши бўлинг» деган қўшиқларни яратдим. Нозик дидли бахши шоир хақиқий санъат асарини юксак кадрлар эди. Таъбир жоиз бўлса, у ажайиб бир гулзор яратди».

## Булбулларни чорлар қошига

Тақдир тақозоси билан Ёдгор бахши Исоқов Чинозда муқим яшаб қолади. Ҳаётининг энг ширин ва тотли дамлари айнан шу ерда кечди. Ўғиллари эр етгач, уларни уйли-жойли қилди, қизларини узатди, набиралар кўрди. Аммо бир дақиқа бўлса-да ашёр тўқишдан, уни дўмбира кўмағида куйлашдан чарчамади.

...Хатирчидаги бир тўйда Ёдгор бахшидан ёзиб олинган дostonни кўйишди. Тинглаб ўтириб, одам сел бўлиб кетади. Қўшиғу дostonлари сероб эл асло завол топмас, ўлмағай деган ёруғ ўй кечади кўнгилдан. Зеро, бахшили эл дарё мисоли тўлиб-тўлиб оққуси, кўнгилларни мунаввар этгуси. Бу куй, бу оҳанг доимо инжуланган сахарлар аро булбулларни қошига чорлаб тургусидир.

Ёдгор бахшининг теран қаламидан, жўшқин илҳомидан, гўзал қалбидан тўқилган ижод намуналари қўшиқлар қанотида парвоз этади. Энг муҳими, у тугилган элининг ажайиб ибора ва мақолларидан ўрнида ва жойида фойдаланди, халқ қўшиқлари оҳангига таянди. Айниқса, баҳор юз очаетган кезларда ҳар сафар Ёдгор бахшини ўйласам, қўлида карсон зардолдан, қопқоғи тутдан ясалган дўмбира билан ёниб-ёндириб қуйлаб турган нуруний сиймоси жонланади. Юрса ҳам, турса ҳам эл-улусни ўйлайдиган, халқини дoston қилиб қуйлаган алп оқин буй беради. У шеърларининг сачритқисини оддий халқдан оларди. Шунинг учун бахшининг хоши қўнгилларга худди нурдай сингиб борарди. Қаранг, бу нур то хануз шуъла сочиб турибди.

Улуғбек ЖУМАЕВ





**Байрамингиз  
қутлуғ  
бўлсин, азиз  
юртдошлар!**

Буюк ёзувчилардан бири Фёдор Михайлович Достоевский инсон руҳиятини ёритувчи салмоқли асарлари билан жаҳон адаблари қаторидан ўрин олди. Унинг умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи, миллат ҳаёти, турмуш тарзини, меҳр-муҳаббат, садоқат, элпарварлик, меҳнатсеварликни тараннум этувчи асарлари аллақачон китобхонлар кўнгилдан жой олиб улгурган.



## КАМБАҒАЛЛИКНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Достоевский маълум бир миллат ҳаётини, турмуш тарзини ёритар экан, замирида барча халқларга бирдек хос бўлган маънавий хусусиятларни юксакларга кўтарди. Достоевскийнинг деярли барча асарларида меҳр-муҳаббат, садоқат, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатлар ёфори уфуриб туради. Ёзувчининг «Камбағаллар» асарида хўрланган, ижтимоий адолатсизликка дучор бўлган ночор одамлар қисмати қаламга олинган бўлса, адабнинг «Қиёфадош», «Ок тунлар» асарларида ҳам айна шундай ижтимоий муаммоларни ёритишга қаратилган. «Камбағаллар» романи бечора, ночор, адолатсиз муҳитда яшаган инсонлар ҳаётини ёритиб берган ижтимоий мавзудаги асардир.

Ушбу роман миллат дардини, руҳий ҳолатини куйлаган кўшиқ десак янглишмаймиз. Асар бир ўқишда ўқувчида Макар Девушкин ва Варвара Алексеевна мактубларидан иборатдек тасаввур уйғотади. Аммо романи ўқиш жараёнида шунинг гувоҳи бўлиш мумкинки, бу икки қаҳрамон мактублари замирида бутун бир қатлам, яъни жамиятнинг энг куйи табақалари ҳаёти тасвири ётади.

**Ёзувчи бирор ўринда ҳам ўз нутқидан сўзламайди, фақат қаҳрамонлар нутқи орқали ўқувчига, китобхонга эстетик таъсир ўқзадади, ўқувчи беихтиёр ўша давр муҳитига тушиб қолгандек бўлади.**

Мутолаа қилиш давомида шунга амин бўлдимки, асарнинг бош ғояси, яъни роман мазмунини очишга хизмат қилувчи, қаҳрамонлар бошдан кечирган ички руҳий ҳолатларни китобхон ҳам ўз руҳий ҳолатида ҳис қилишга ёрдам берувчи асосий фикрлар Макар Девушкин тилидан бериб борилади. Масалан, унинг бир мактубида «Лойларимни тозалаб олмоқчи бўлган эдим, коровул Снегиrow, бўлмайди, чўткани ишдан чиқарасан, чўтка эса, биродар, давлат ҳисобидан келган, деб лойларимни тозалагани ҳам кўймади. Кўрдингизми, қанақа бўлиб



кетган улар, онажон, мени улар оёқ артадиган латтача ҳам кўрмайдилар. Мени нима ўлдирди, Варенка, биласизми? Зинҳор пул эмас, йўқ, мени мана шунақа майда-чуйда ташвишлар, мана шунақа шивир-шивирлару захарханда кулгилар, ҳазил-мазахлар ўлдирди», қабилдаги фикрлар орқали қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ёрқин чизгиларда чизиб берилади. Бундай фикрларни ўқиган китобхон беихтиёр унга ачинади.

Макар Девушкин нутқидан келтирилган яна баъзи фикрлар борки, хикматдек жаранглайди: «Камбағал одам қиздай уятчан бўлади», «Ўзи доим шунақа бўлиб келганмасми: оқиллар азобда, аҳмоқлар фароғатда», «Савоб қилсанг, бутун қил», «Ҳаммадан оғири – ҳақиқатни гапириш».

Бу асар орқали Достоевскийгагина хос бўлган баён услуби билан биргаликда ижодкорнинг қаҳрамонлар руҳий ҳолати ва ички кечинмаларини табиат

билан жуда чиройли, бетакрор тарзда уйғунлаштириш хусусияти яққол намоён бўлади. Роман мактублардан иборат, бироқ ёзувчи «Камбағаллар» романини шу даражада маҳорат билан баён этганки, ушбу асардан бир парча ўқиган китобхон ўзи сезмаган ҳолда воқеалар ривожига қизиқиб қолади.

Табиат тасвири ва қаҳрамонлар руҳиятидаги уйғунликка келсак, буни қуйидаги парчалар воситасида ҳам билиб олишимиз мумкин: «...шаҳарга киришимиз олдида ёмғир қуя бошлади, рутбатли кузги ёмғир, изғирин, ерлар лой, тўда-тўда одам иси ёқмайди, ўш-шайган, хўмрайган кишилар кўрилади». Бу парчада Варвара Алексеевнанинг энг бахтли дамлари ўтган қишлоғини тарқ этиб, унга қийинчилик, азоб-уқубат олиб келган шаҳарга кўчиб келиши акс эттирилган. Бундан кўриниб турибдики, у ўзининг жонажон маконини тарқ этгани боис унинг ўйларида ҳам, юрагида ҳам худди шу кузги ёмғир сингари рутбатли изғирин эсаётгани ҳақида қайсибир маънода китобхонга хабар бериб ўтилади. Асарнинг яна бир ўрнида шундай тасвирлар бор: «Бу куёшга сўнгги бор қараб олмоқчи эди. Мен пардани сурдим, аммо тонг жон бераётган одамнинг тугаб бораётган бечораҳол ҳаёти сингари тунд ва қайғули эди. Қуёш кўринмасди. Осмонни булут колаганди, майда ёмғир томчилари деразага урилиб, муздек лойқа сув ойна юзини юварди, атрофни қоронғулик чулғанган. Бемор менга чуқур мунг билан қараб қўйди ва бир дақиқадан сўнг жон берди». Келтирилган парчада кишида анчайин ҳазин руҳ пайдо бўлишига туртки берувчи асосий восита жон талвасасида кийналаётган қаҳрамон руҳиятига мос табиат тасвири танланганидир; тонг ҳам гўё бир инсоннинг ҳаётдан қўз юмишига гувоҳ бўлишни истамай тўлғониб-тўлғониб отаётгандек, замин ҳам гўёки бу ҳолга чидамасдан самодан ўз кўз ёшини тўкаётгандек тасаввур уйғотади.

Достоевскийнинг барча қаҳрамонлари қалби кенг шахслар, бу фикрнинг исботи-

ни ушбу роман мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Асардаги инсонлар ўта оғир, абгор ҳолда бўлишларига қарамай ҳеч бир қаҳрамон бирор ўринда ҳам ҳаётдан нолимайди. Аксинча, шукр қилишни қанда қилмайди. «Ўзим тўқ, бош-оёқ кийимим бут; шўхлик қилишни бизга ким қўйбди», «...камбағаллик айб эмас-лигини эсдан чиқарманг», «...лекин мен нолимайман, балки мамнунман», каби фикрлар ўша қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб берган.

Асардаги диққатга сазовор яна бир жиҳат шундаки, бу ҳам бўлса камбағалларнинг гурури, ор-номуси, бир сўз билан айтганда, шахсияти жуда қучли тасвирланган. Асар бош қаҳрамони Макар Девушкин нутқида жуда кўп такрорланиб туривчи «...гуруримни мен ҳамма нарсадан устун қўяман», сўзлари ёки Горшковнинг номи оқлангандан кейинги ҳолатлари юқорида келтирилган фикрларнинг исботидир.

Романда Девушкин тилидан шундай фикрлар келтирилади: «Шу кўп қаватли уларнинг ҳар қайсисида турли хил инсонлар яшайди. Уларнинг баъзиларини тушига қайси йўл билан фарзандига нон топиб бериб, қорини тўқлаш қирса-ю, яна қай бирининг тушига эртага қандай этик қийса, чиройли кўриниш муаммоси қиради». Бу муаммо ҳозир ҳам мавжуд, бу фикрлар ҳамон долзарб. Кўриниб турибдики, адиб ижоди қайсибир бир жиҳати билан бугунги даврга ҳам бевосита алоқадор.

Ёзувчи яшаган даврда камбағал, ночор инсонлар одам ўрнида кўрилмасди, шу боис уларга бўлган муомала ва муносабат ҳам жуда совуқ, ёмон эди. Шундай оғир бир шароитда Достоевский бу қатламни ҳам бошқалар қаторида бўлишини истади, уларни ушбу романи орқали қайсибир маънода химоя қилди ва адиб бу романи билан оммага камбағаллар орасида ҳам ночор бўлишларига қарамай маънан жуда бой, адабиётга ошно, қалби соф инсонлар бўлиши мумкинлигини англитийб қўйди.

Мохинур ЭСОНОВА

## ҚАРСАКБОЗ...

Қўшни қишлоққа тоғпиёз излаб бордим. Бир болақай Ибратаканинг уйини кўрсатиб юборди.

– Уша одамда кўп.

Ибратаканин мажжаж ўхори йиғайтган экан, ёнига бордим. Муддаога кўчганим, бўпти, ярим коп топиб бераман деди.

– Анави сояда ўтириб тур, хозир бўламан.

Тол тагига бориб ўтирдим. Ёнимга хўппасемиз, бети думалок бир киши келиб қолди.

– Хорма, Ибрата, – деди у макжаж ўхори узаётган Ибратакага қараб.

– Бор бўлинг!

– Э, барақалла!

Семиз киши шундай деб шахд билан қарсак чала бошлади. Ибратака менга кулиб қараб қўйди. Қарсак қарийб беш дақиқа давом этдиёв... Сўнг у мен билан гаплашишга киришди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. У нега келганимни сўради. Мен тоғпиёз излаб келганимни айтдим.

– Тоғпиёзчиларга қарсаклар!

– у қарсиллатиб чапак чалди.

Кўринишидан аввал мансабдор бўлганга ўхшайди. Ёки ашадий қарсакчи.

Ибратака келгач, у кетишга чоғланди.



– Сенга гап йўқ, Ибратажон!

Қарсаклар!

У қарсак чалиб-чалиб кетгач,

Ибратакадан сўрадим.

– Ким у?

– Э, бир анқов. Аниқроғи қарсакчи. Аввал колхоз раисига, кейин маҳалла оксоқолига хизмат қилди. Қарсакбозликни уюштириш ва қойиллатиб бажариш учун уни ёллашарди.

– Ҳозир нима иш қилади?

– Бекорчи. Лекин дуч келган жойда қарсак чалаверади. Тунов қуни футбол уйнаётган болаларга қарсак чалдираётган экан, уришдим. Қарсак борса қарсак чалади. Маҳаллага яхши раис келгандан бери иш йўқ унга. Ҳозир қарсакбозлик охириги планга тушиб қолган.

– Йиғилишларга бориб турса керак?

– Бормайди. Беш ой олдин бориб, ҳар гапга қарсак чалиб, ҳамманинг асабига ўйнаб ўтирарди. Бир воқеа рўй бергач, эл уни ўзига қўшмай қўйди.

– Қанақа воқеа?

– У азада мулла жаноза намозини ўқиб бўлгач, қарсак чалиб юборди.

– Йўғ-э!?

– Ҳа, рост.

– Ўрганиб қолган-да. Эл кечирса бўларди.

– Бировнинг таъзияси бўлса кечирардик, аммо ўлган жондек инсонни эди.

– Кими?

– Онаси...



# ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

28  
Байрамнгиз  
қутлуг бўлсин,  
азиз юртдошлар!

Шафак тонги отади. Кўз очиб юмгунча Куёш терак бўйи юксалади. Талабалар издиҳоми ўнгу сўлга эътиборсиз Дорилфунун томон оқади. Серташвиш нигоҳлар Куёш туриш-турмишидаги бежолликни илгмайди.

Бугун якуний назорат – талабалар учун сўнгги имтиҳон.

Дорилфунун биниси олдидаги майдон талабалар тўдаси билан тўлиб тошади, терлайди, хансирайди, бугланади, гўё адоксиз оломонни сиғдиришга мажбурлангандай лаҳза сайин кенгайиб боради. Кириш эшиги олди айниқса гагаовур. Саноғи йўқ қора, сарик, оқ, малла, кизилу жигарранг бошлар бўсагада гуж тортган. Бошлардан икки энлик пастда чугурлашаётган, йўқ, шўх болакай уясини бузиб тухумини олиб кетган она ҳақдек фарёд солаётганга менгзовчи товушлар эшитилди. Фақат бир амаллаб товуш орасига сукилиб кира олгангина гапни гапдан ажрата олади. Хушёр нигоҳгина ушбу бетакрор симфонияга асосан уч талаба дирижёрлик қилаётганини англади. Бошқа товушлар ҳам шу учовдан бирига тегишлидек гўё: ким жўравоз, ким соьё.

– Топшириб чиққанлар борми ўзи? – куч билан бош буриб атрофдан сўрайди кирғийбурун, қорачадан келган, жингаласоч талаба.

Савол бир мулдат жавобсиз қолади. Ниҳоят юзидан тортиб қошу киприкларигача малла талаба кирғийбурунга бежоланиб турган кўккизиш кўзларини тикади ва палағда товушда дейди:


– Кириб кетгани кўп, лекин қайтиб чиққанини биров кўрмаган... Янаям билмадим. Кўрган борми?

– Йўқ, ҳеч ким чиқмади. Чикса билардик! – Бир неча овоз барабар жавоб беради.

Майдонни ваҳимали сукунат тутди. Шу пайт дўмбок, қориндор талаба йигит қўл телефониға ёпишиб кимгадир сим қоқа бошлайди. Ўзлари узундан келган, найноврок, чўтир киз каттақон сумкасини тикилашга тушади. Афтидан тун бўйи ухламай ёзиб чиққан шпаргалкасини излайди. Кўзлари қисқ жиккакина бошқа бир киз қўлидаги ёзув дафтари ни ўқишга тутнади. Сўнгги русумда кийинган, юзлари сербўёқ танноз унинг елкаси оша дафтарга мўралайди. Умрида илк бор кўраётгандек варақ бетдаги сатрларга бегонасараб тикилади. Кўл ўтмай маънисиз тикилишдан зерикади чоғи, ўзига ўхшаб бўянган ўртоғи билан гапта тушиб кетади.

Майдон четиға қўйилган курсиларнинг ҳаммаси талабаларнинг ортиқча қиймилар, тўрва-халталари билан банд. Ўтиришга жой йўқ. Ҳамма тик оёқда. Куёш кизигиданми, тикилинчданми ёки ташвишнинг зўриданми талабаларнинг юз-кўзларидан шаррос тер қуйилади. Дам сайин кўпайиб бир-бирига жипслашиб бораётган оламан залворидан пуфакдек шиша бошлаган майдон сатҳини тўпик барабар сув босган. Бу сув қаёқдан келганига ақл бовар қилмайди: ё кеча кечкурун фаррош меъёридан ортик сув қуйиб юборган ёки тун бўйи ёмғир ёғиб чиққан, у ҳам бўлмас, сув манбаи имтиҳон ваҳимасидаги талабаларнинг терлари...

Тўпигидан сал юкорироккача, узун оқ камзўл кийган, оқ юзли, улугвор бир талаба ерга тикилганча, домладан олган сабоқларини пичирлаб такрорлайди. Ҳамасу бо сасни фақат уни ўраб турган ҳамсабоқлари эшитишади. Вужудлари кулоққа айланиб, сўзларини англашга, худди у каби такрорлашга уринишади. Чунки бу – аьлочи талаба, Дорилфунун фахри. Ҳозир ҳам кенг майдон узра тун қўйнидаги митти юлдуздек ажралиб турибди. У кўп ўқийди, дарсларга тўлиқ катнашади, одобли, босик, қўлидан



келганча бошқаларга яхшилик қилади, энг муҳими, домланинг назарига тушган. Буни ҳамма яхши билади. Шундан бўлса керак кирғийбурун билан малла уни зимдан ёмон кўришади.

Чиқиштиришмайди дейиш қийини – чунки ундан кўркишади – имкон топганда оркаваротдан мазах қилишади. Гаплашганда «тиллари бираб, рамз ўйини» (бу таъриф домланики) қилишади. Ўз ҳамтовоқлари билан устидан турли иғволар тўқишга, унга йўқ айбларни ёпиштиришга уринишади. Оқ юзли талаба буларнинг барчасини сезиб юради. Қитмир гапларининг маънисига ақли етади. Аммо «Бўлмагани бўлишма» дегандек барча жавобларини теран, хотиржам нигоҳларида ифода этиш билан чекланади. Ҳалигилар ҳаммасидан ҳам унинг мана шу нигоҳидан хайқадилар. Хайқиш асносида унга бўлган ғаразлари ошиб-тошади. Бугун ҳам унинг ҳеч нарса билмагандек хотиржам ўтириши, гап-сўзларга безътиборлиги уларнинг пинҳоний адоватларига адоват қўшади... Аммо на чора имтиҳон юкидан ҳамма бирдек ташвишади. Душман душмангагина эмас, дўст дўстга ҳам қарамайди ҳозир. Ит эгасини танймайди.

– Домлани қўлга олса бўлармикан-а, – яна гап ташлайди кирғийбурун.

– Нафсиларини айтсам, – деб ўсмонқилайди малла. – Қўлга ўрганмайдинганининг ўзи йўқ. Фақат хар бирининг тилини топиш керак-да. Масаланинг жиддийлиги шунда.

– Бўлмаган гап, – бевақт кичқирган хўроздек гапта қўшялади дўмбок талаба. – Манаман деган танишларини ўртага қўйиб кўрдим. Ҳатто энг катта «танка»мни аралаштирдим. Биронтаси сен айтган ўша тилини тополмайди.

– Тўғри айтади, тўғри айтади... – гувиллайди оламан.

Куйирокдан сербўёқ хоним лукма ташлайди.

– «Пул бўлса, чангалда шўрва» деб юрадиган дадам ҳам кеча уйга шалвираб кириб келди. Ҳатто ёнига йўлатмабди.

– Дорилфунуннинг удлабурун ходими бор-ку, уни ҳамманг яхши танийсан, бизларни то бугунгача, «Имтиҳонингни ўзим олиб бераман, гарантия», деб ишонтириб юрди. Унинг гапига кириб нималар қилмадик. «Хой» деса, «лаббай» деб турдик. Бор деган жойига бордик, қайт деса қайтдик. Унга қилган харажатларимиз, югур-югурларимизнинг сон-ҳисоби йўқ. Кечкурун гапни бир жойга қўйиб келай деб уйига бордим. «Эртага имтиҳон, энди бугёнга ўзингиз туриб берасиз-а, ака» деса, нима дейди денглар: «Мен сизларни, сизлар мени танймайсизлар. Ҳамма ўзига жавоб берсин. Қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар, уяқон!» деса. Мен унга: «Сиздек аканинг боридад йўғи яхши, қанақа мунофиқ одамсиз, шу гапни энди айтасизми, хонумонимизни қуйдириб қизку», дедим. Аламимдан нима қилишимни билмай роса сўқдим, бу билан ҳам қоникмай, уйининг ҳамма ойналарини синдириб ташладим. Аммо бундан кимга фойда. Фурсат қўлдан кетган эди. Айниқса, қайтаётганимда айтган гапни қизик бўлди. Айтишича, домлага фақат биз эмас, унинг ўзидан тортиб барча ходимлар, хатто раҳбарлар ҳам имтиҳон топширар эмиш. Бу ҳақда аввал ҳам бир эшитган-у, ишонмай юрган эдим. Кеча энг катта бошлиқдан анигини билганимиш. Тўнини тесқари қийиб олгани шундан эмиш. Шуям баҳона бўлди-ю!

Кирғийбуруннинг бу гаплари ҳаммани гангитиб қўяди. Айниқса малла ўзининг табиий рангини йўқотиб тўқ қизил тусга қиради. Таннозхоним билан ўртоғи юз-кўзларида қамалак жилосини намойиш қилганча йиғи бошлашади. Жикка талаба кўрққанидан қунишиб олади. Найнов киз шпаргалкаларига қаттиқроқ ёпишади. Майдон узра янада огирроқ сукунат чўқади. Оёқ остидаги сув тизза бўйи кўтарилади.

– Айб ўзимизда, – дейди талабалар томонидан «жайдари» отини олган содда-дўғвор талаба. – Вақтида домланинг айтганини ҳазил билдик, топшириқларини бажармадик, дискотека-ю кино, ресторону кафе қилиб юрдик. Сўнгги қунарлагача қимларгадир ишондик. Энди ҳолимизга маймуларинг йиғлайди.

Кирғийбурун яна дирижёрлик таёқчасини қўлиға олади.

– Бехуда пушаймондан фойда йўқ энди. Кўпчилиқмиз, бир йўлини топайлик. Ким нима дейди. Бир қалла яхши, икки қалла ундан яхши.

– Битта билимдон, битта билмасвой жуфт бўлиб қирсақчи. Билгичлар билмаганларга ўргатади. Шу билан ҳамма ўтиб кетади.

Ҳамиша дарсларга ичиб, чекиб келавганидан ўзига «нашаванд» лақабини орттириб олган заъфарон юзли талабанинг гапни маллавой шарт кесади:

– Ҳамма гапирса ҳам сен гапирма. Сен бор-ку, қирқ йил лой тепсанг, битта хуштак чикаролмайсан. Домла шу содда макринга алдинди қолар. У сенга шундай «макр» қилсинки, уйингни тополмай қол.

– Бир айтим, қўйдим-да. Билганларингни қилинглар, – маънос тўнғиллайди «нашаванд» ва титроқ қўллари билан чўнтагини тимисқилашга киришар экан қарзини ундириб олаётгандек қўшимча қилади. – Ҳамма балонинг боши ўзингасан, яна менга дўк қиласан. Ахир сен эмасми домланинг ҳақ сўзларини ёлғона чикариб, буни пана-панада ҳаммага уқитиб юрган.

Аммо «нашаванд»нинг миғирлашини ҳеч ким эшитмайди.

– Шпаргалкага нима дейсизлар?.. Чўтир қизнинг бу таклифидан теваарқ ёришиб кетгандек бўлади. Дўмбок билан таннозхонимлар ошқора жилмайишга тушишади, хатто чўнтак қовлаб пул санай бошлашади.

– Мен бир зумда шпаргалкангни кўпайтириб келаман, – дейди йўлга чоғланиб дўмбок.

Ўткинчи чакмоқдек йилт этган бу ёруғликни ҳам кирғийбурун ташлаган ёкимсиз лукма ютиб юборади.

– Эй биродарлар, шунчалик содда-сиз, ахир бу эшикдан онадан туғилгандек бўлиб қирасан. Тўрва-халта, қўлу эгингидеги ҳамма нарса ташқарида қолади. Фақат қалланг, билиминг ўзинг билан. Бошқа йўли йўқ. Домланинг низомини билмайсанларми?

Бундай «лутф»дан кейин қони қочган мол ўпкаси рангига қирган маллавой ўз биродари 7 кирғийбурунга ташланиб қолади.

– К-ў-ўп гапни биласан, ақлинг етмаган нарса йўқ. Ҳаммага ҳақамлик қиласан, йўл кўрсатасан. Сенга ихлос қўйиб эргашганлар қанча. Ҳатто мен ҳам гапнинг икки қилмаганман. Ахир шу иддаонинг нега олдинроқ айтмадинг. Имтиҳон бунчалар шафқатсиз бўлишини бизларга билдирмадинг.

– Ай, дардингни олай, биродарим, тўғри айтасан, Дорилфунунда мен ихлос қиритмаган низом йўқ. Мен буюк ихлосчиман. Буни ўзим яхши биламан. Ҳатто ўша удлабурун ходимлар ҳам мен тузган низомга ихлос қўйиб, кам бўлишмади. Буни менга ўзлари айтишди. Мен домланинг низомини ҳам ихлос қилман, ўзимизга мослайман деб ўйлардим. Аммо афсус, адашганими бутун англаб турибман. «Кейинги пушмон – ўзингга душман» деганларидек, энди бари бе-фойда.

Майдон ўлик сукунатга чўмади. Сув белдан юкорилайди. Қизу йигитлар барабар ох-воҳ қилишга тушишади. Қун қиямга қиради. Талабаларнинг юз-кўзларидан эндиликда тер шаррос қуйила бошлайди. Кирғийбурун билан маллавой ўзларини зинанинг энг юқори поғонасига олишади. Шунда ҳам сув белларига чиқади...

Сув кўпайгандан кўпаяди. Белдан қўқракка, қўқракдан бўйинга етади. Энди майдон узра фақат қалларанигина кўрилади. Баъзи талабаларнинг оғизларига сув қира бошлайди. Шунда дафъатан ҳамманинг нигоҳи майдон четига уммон аро оролдек, ўз сабоқдошлари билан сув кутқусидан омонда турган оқ юзли талабага тушади. Юз-кўзларга хайронлик, ҳавас, ҳасад сингари минглаб ифода тўрлари ёйилади. Кирғийбурун билан малла унга гап қотмокка оғиз жуфтлашади. Бироқ бўйиндан ўтиб, иякка етган сув оғиз очиларига йўл бермайди. Сўнгги лаҳзаларгача кўзи очик қолганлар фақат сувнинг узун йўлак ҳосил қилиб чекинганини, оқ юзли талаба ва сабоқдошларининг елкама-елка жипс турганча эшик томон юрганларини, уларнинг қаршида залвориб эшик лаг очилганини кўришга улгуришади...

Эшикдан қирганларни нима кутади, шу кириб кетганча қайтиб чиқадиларми, йўқми, якуний назорат натижаси қандай бўлади – бу ҳаммага қоронгу, бу сирни на ташқаридагилар, на ичкарига қадам қўйганлар биладилар. Қуннинг эса интихоси кўринмайди...

Ҳабибуллоҳ ХАЙДАР



СЕНТЯБРЬ

1 НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?


# 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

28 Байрамингиз  
қутлуг бўлсин,  
азиз юртдошлар!

Бир қатор меъерий ҳужжатларга асосан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги янги тартиблар амалда қўлланила бошлайди:

## Фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари хусусийлаштирилади

Фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини, шу жумладан таълим муассасалари (*академик лицей ва касб-хунар коллежлари бундан мустасно*), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкалари доимий фойдаланиш ҳукуқи асосида сотилади.



## Машинасозлик, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича ходимлар чет элда ўқитилади



Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, машинасозлик ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари ходимлари «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқитиш ва малака ошириш учун юборилади. Таҳсил олаётган иқтидорли бакалавр талабаларининг хорижий олий таълим муассасасидаги тўлов контрактни тўлаб берилади.

## Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилади ҳамда гувоҳнома эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёزلардан фойдаланиш ҳукуқи берилади.



## «Темурбеклар мактаби» ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг ойлик маоши ошади

«Темурбеклар мактаби» ходимларининг ойлик маоши:

- директор ва унинг ўринбосарлари, ўқитувчилар, ўқув бўлими ходимлари учун – 5 баробар;
- тўғарақ (*секция*) раҳбарлари ва психологлари учун – 3 баробар;
- ахборот-ресурс маркази (*қутубхона*), ахборотлаштириш ва алоқа бўлимлари ходимлари, инструкторлар ва лаборантлар учун – 2 баробар миқдорда оширилади.

Шунингдек, «Темурбеклар мактаби»да хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотига уларнинг лавозим маошининг 50 фоизига тенг миқдорда ҳар ойлик устама тўланади.

## Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг маоши оширилади

Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ёрдамчиларининг, ўсишида жисмоний ёки рухий нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячилар, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамчиларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланади.

## Аёллар учун никоҳ ёши ўзгаради

Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёши бир хилда ўн саккиз ёш этиб белгиланади.

## Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномалар электрон шаклда топширилади

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномалар фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топширилади.

## Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ўзгаради

Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулкка нисбатан нотариал ҳаракатлар асосида вужудга келадиган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат давлат нотариал идораси орқали тақдим этилган талабномага асосан киритилади ва бир вақтнинг ўзиде Реестрдан кўчирма берилади.

## Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби белгиланади

Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом кучга киради.

## Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ходимларига ойлик устама ҳақи тўланади

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари, шу жумладан тарбиячилар ва тарбиячи ёрдамчиларига базавий тариф ставкасининг 75 фоизи миқдорда ҳар ойлик устама ҳақи тўланади.

## Иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига янги тушунчалар қўлланилади

Иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига:

- 634 880 сўм миқдорда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори;
- 223 000 сўм миқдорда базавий ҳисоблаш миқдори;
- 223 000 сўм миқдорда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилади.





**Байрамингиз  
қутлуг  
бўлсин, азиз  
юртдошлар!**



# ДАРЛИКЛАР ИЖАРАСИ ВА ИМТИЁЗЛАР

Умумтаълим мактабларида дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдори республика бўйича ягона бўлиб, унинг нархлари 2019/2020 ўқув йили учун куйидагича белгиланган:

- ▶ умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари учун – бепул;
- ▶ 2-синфлари учун 12 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 23 200 сўмни;
- ▶ 3-синфлар учун 10 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 25 800 сўмни;
- ▶ 4-синфлар учун 11 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 18 300 сўмни;
- ▶ 5-синфлар учун 13 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 13 000 сўмни;
- ▶ 6-синфлар учун 15 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 15 800 сўмни;

- ▶ 7-синфлар учун 16 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 20 000 сўмни;
- ▶ 8-синфлар учун 16 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 40 700 сўмни;
- ▶ 9-синфлар учун 16 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 38 500 сўмни;
- ▶ 10-синфлар учун 17 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 27 200 сўмни;
- ▶ 11-синфлар учун 19 та дарсликдан иборат тўпламининг ижара нархи 34 700 сўмни ташкил қилади.

## ТЎЛОВ МУДДАТИ

Мактабдаги дарсликлар тўплами учун ижара тўлови 30 сентябргача тўлиқ ҳажмда тўланади. Ўқувчиларнинг ота-оналари пул маблағлари вақтинчалик йўқлиги сабабли, ижара тўлови муддатини

узайтириш тўғрисида умумтаълим мактаби маъмуриятига мурожаат қилиши мумкин. Ижара тўлови муддати узайтирилган тақдирда, мазкур тўловнинг 50 фоизи 30 сентябргача, қолган қисми эса 30 ноябргача тўланиши лозим.

## БЕПУЛ ДАРЛИКЛАР КИМЛАРГА?

Биринчи синф, «Меҳрибонлик» уйи, махсус мактаб, мактаб-интернатлари ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ўқувчилари мактабнинг кутубхона жамғармаси томонидан дарсликлар тўплами билан бепул таъминланади.

Бунда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар ўқувчилари рўйхати 1 сентябргача фуқаролар йиғини илтимосномаси ва ота-оналар кўмитаси хулосаси асосида мактабнинг педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади.



## Қонунчиликда янгилик

### МЕХНАТ МИГРАНТЛАРИГА УЙ БЕРИЛАДИ

«Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди.

#### Фармонга кўра:

▶ уй-жой шаронтиларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда кўп квартиралар уйлари республика бўйича жами 3 462 та хонадон ажратилади;

▶ меҳнат мигрантлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган кредитларни қайтаришни «Азия инвест банк» АЖ ва Россиядаги бошқа ҳамкор-банклар орқали Россия рублида, шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали амалга ошириш механизми жорий қилинади.

#### 2019 йил 1 октябрдан:

▶ меҳнат мигрантларига – 1 банк куни давомида паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси асосида 2019-2020 йилларда 10 фоиз ва 2021 йилда 12 фоиз ставкада 2 млн. сўм миқдорда 1 йил муддатга микроқарзлар бериш;

▶ сугурта компанияларига – йилга 1 маротаба хориждаги вақтинчалик меҳнат мигрантлари ҳаёти ва соғлигини сугурталаш бўйича сугурта муқофоти суммасини қоплаш учун ҳар бир меҳнат мигранти учун 50 000 сўм миқдорда бир марталик субсидиялар тақдим этиш амалиёти жорий этилади.

2019 йил 1 октябрга қадар меҳнат мигрантлари учун:

- ▶ 2020 йилда уй-жойлар қуриш параметрлари;
- ▶ уй ажратиш тартибига оид низом тасдиқланади.
- ▶ 2021 йил ва кейинги йилларда

ушбу параметрларни шакллантиришда меҳнат мигрантлари учун кўп квартиралар уйлари хонадонлар қиритилиши назарда тутилади.

### МЕХНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН КЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2020 йил 1 январгача чет элга ишга кетаётган фуқароларни кетишдан олдин касбга йўналтириш марказлари ташкил этилади. Бунда, ҳар бир таълим олувчи учун бир ойда 4 базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Меҳнат мигрантлари учун куйидагилар имтиёзли сугурта қилинади:

- ▶ ишга жойлашишга патент ва бошқа ҳужжатлар берилишини рад этилиши таваккалчилигини сугурта қилиш;
  - ▶ транспорт харажатлари ва бошқа харажатлар учун кредитлар қайтарилмаслиги таваккалчилигини сугурта қилиш;
  - ▶ ихтиёрий тиббий сугурта.
- Қарорга кўра, Ватанга қайтиб келган ишсиз ва банд бўлмаган меҳнат мигрантларига Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан грантлар бериш йўли билан бепул касбий ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш чоралари қўрилади.
- 2020-2021 йилларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Екатеринбург, Новосибирск, Волгоград, Пятигорск, Истанбул, Нур Султон, Дубайда ваколатхоналари очилади.

## Биласизми?

### «ЙИҚИЛГАН» АБИТУРИЕНТ ҲАМ ТАЛАБА БЎЛИШИ МУМКИН

Абитуриентлар белгиланган квота бўйича ўқинишга киролмаган тақдирда СУПЕР КОНТРАКТ асосида қабул қилиниши мумкин.

● Бунда СУПЕР КОНТРАКТнинг миқдори контракт тўловига нисбатан куйидагича белгиланади:

- ▶ 1 баллгача етмаганда – 1,5 баробар;
  - ▶ 1,1 баллдан 2 баллгача етмаганда – 2 баробар;
  - ▶ 2,1 баллдан 3 баллгача етмаганда – 2,5 баробар;
  - ▶ 3,1 баллдан 4 баллгача етмаганда – 3 баробар;
  - ▶ кириш учун 4 баллдан кўп ва минимал баллдан (56,7) кам бўлмаганда – 10 баробар ва ундан кўп (йўналишга қараб).
- Бундан ташқари, 56,7 дан кам балл

тўлаганлар ҳам талаба бўлиши мумкин. Бунда абитуриентлар ҳужжат топширган йўналиши бўйича энг юқори СУПЕР КОНТРАКТ миқдорининг 2 баробарини тўлаши лозим. Масалан, оширилган тўлов контракт 10 баробар (100 млн. сўм) бўлса – 20 баробар (200 млн. сўм) тўланади.

\* Эслатиб ўтаемиз, оширилган контракт фақат биринчи ўқув йили учун тўланади.

● **Контракт учун тўланадиган маблағ солиқдан озод**

Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг ўзи ёки 26 ёшга тўлмаган фарзанди олий ўқув юртларида ўқийётган бўлса, контракт пулини тўлаш учун йўналтириладиган маблағлари (масалан иш ҳақидан) суммаси даромад солиғидан озод қилинади.

## Имтиёз

### ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР



Энергия тежовчи ускуналар харид қилган шахсларга компенсация тақдим этилади.

Президентнинг энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга оид қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра: = хусусий хонадонларда қуёш фотозлектрик станциялари (ўртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичлари (ўртача 200 литр) ўрнатилади;

= ностандарт газ-горелкали қурилмаларга алмаштирилади.

2020 йил 1 январдан: = жисмоний шахсларга қуёш фотозлектрик станциялари, қуёш сув иситкичлари, шу-

нингдек, энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларининг 30 фоизи миқдорда, бироқ:

- = қуёш фотозлектрик станциялари учун – 3 миллион сўмдан;
- = қуёш сув иситкичлар учун – 1,5 миллион сўмдан;
- = газ-горелкали қурилмалар учун – 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилади.

Қарор билан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб илгари фойдаланилган генератор ускуналари, кучланишни пасайтирувчи трансформаторлар, электр двигателлар, шунингдек, энергия самарадорлиги D тонфадаги энергия сарфловчи ускуналарни республика ҳудудига олиб кириш тақиқланади.





«Малибу» миниб қизларга ёққандан, «Дамас» миниб оила боққан яхши.

# ЎЗИДАН ЎЗИ АСРАСИН!..



Бундан ўттиз йил аввалги гап бу. Ўшанда ёзувчилар уюшмасида ишлардим. Халқаро муносабатлар бўлимидаман, ишим — чет эллик ёзувчиларни кутиб олиш, Самарканду, Бухоро, Хиваларни айлантириб, яна кузатиб кўйиш. Кунларнинг бирида ишлаб ўтирган хонам эшиги шиддат билан очилди. Соқоли уч кун бурун олинган, юзи куёшда обдан пишган, йигирма беш ёшлардаги абжир йигитнинг қувноқ чеҳраси хонага нур олиб кирди.

— Ассалому-aleyкум, ака мулло!

— Ваалейкум, ука мулло! — дедим ва англадим. Бухоро томонлардан келган.

Йигит рўпарамдаги курсига шартта ўтирди, дуога қўл очди: — Илоё илобандо, Хўжайи жажон бобомизнинг рухлари қўлласин!

Ха, бўлди, тушунарли, бу йигит Гиждувондан келган.

— Ман, акажон, сизнэ яхши биламан, сиз... ўзимизнэ афандилардан, ўкиганмиз, ёмон эмас. Ака, ман адабиёт ўқитувчиси, отим Населло. Каникул бошланди. Отпускнуларни олиб шакка сурдим. Бир айланиб, сизни ҳам, устожонни кўрай деб келувдим.

— Хуш кўрдик, укажон. Мандан нима хизмат? Устожон ким?

— Иби, билмайсизми!? Устожон-да!.. Ўзлари адабиётимизда битта. Гўлдири Гопий! Шейрларини кечаси уйғотиб сўранг, шариллатиб айтганлар номард.

Йигит яна шижоат билан ўрнидан турди, Маяковскийча туриш килди ва шейр ўқий кетди.

Ха, бу шейрларга гап йўк. Боқий сатрлар-ку!.. Муҳаббат куйла няпти. Жавобсиз муҳаббат. Софдил, мажнунларча севган йигитнинг кўкка ўрлаётган армонлари. Шейр оташин тарзда ўқилди. Йигит кизариб-бўзариб олди. Мен хаяжонлини кетдим.

— Отангизга раҳмат, укажон! Шейрини ана шундай ўқиш керак.

Хуллас, Насилло билан бирпасда ўн йиллик ака-укадек бўлдик. Ва ниҳоят, у илтимо-

сини баён килди.

— Акажон, ана шу устожим, Гўлдири Гопийни манга топиб берсангиз. Манга тириги керак. Битта расмга тушиб, чой бериб, кейин то ўлгунча мактаниб юрсам, дейман.

Оббо, мана шуниси чакки бўлди. Маслаҳат бердим:

— Эй, укажоним-а, нима киласан ўзини кўриб? Хафсаланг пир бўлади. Бир умр шейрларини ўқи, майли ёд ол, болаларингга ёдлат. Аммо ўзига дуч бўлиш...

— Ха, сизлар мана шунака сизлар, — йигит мендан астойдил хафа бўла бошлади, — биз — оддий халқ сизларни севамиз, китобларингизни кўлма-қўли килиб ўқиймиз. Сизлар-чи? Бир-бирларингизни кўролмайсизлар, зимдан бирингизга чох казиб юрасизлар! Шундайларни ортидан энди оломон эргашсинми?

Карасам, йигитнинг кўзидан ўт чакнаб, чойнакдек келадиган муштлари ҳавода ўйноқилди бошлади. Тўғриси, бироз чўчидим, тарқоқлигимиз, бир-биримизни ғийбат қилишимиз ва зимдан кўролмаслигимиз учун халқ вакилининг муштира дучор бўлмаслик учун назокату нафосат ила дедим:

— Майли, топиб бераман... Аммо бирор гап бўлса, ўзингиздан ўпқаланг... Мен оғохлантриб қўйдим.

Стодим устидаги шиша остидан Гўлдири Гопий ишлаб

турган тахририят телефони топиб, ўнг қўлим олдида турган телефон чамбарагини фириллатиб айлантира бошладим. Гўшакни бир аёлгина кўтарди. Гаплашиш оҳангидан сездим: бу ҳам шонра. Қўлоғимдинг бўлиб ўта хушёрлик билан домлани сўрадим.

— Домлани эрталаб кимлардир келиб мовий гумбазларга олиб кетди.

Ана, эрталабдан мовий гумбазларга. Демак, зиёфат соат ўнларда бошланган, ҳозир соат ўн икки ярим бўляпти. Гопий ҳазрат пишиб ҳам қолгандирлар. Мен гўшакни кўйиб, домланинг муридига бу гапни айтиб, мовий гумбазларга қандай бориш мумкинлигини тушунтирай десам, йигит деярли эшитмади. Жойидан куюндек кўзгалди, ишонасизми, ҳатто хайрни ҳам насия килди.

Шу кўйи ишларимга шўнғиб кетдим. Келиб кетган йигитни унутдим ҳисоби. Орадан уч-тўрт соат ўтиб, тушдан сўнг боёғи йигит сувга тушган мушукдек шўплайиб қайтиб келди.

— Ха, тинчликми?

Йигитнинг дурустгина кайфи бор. Чайқалиб турибди. Нафратга тўла нигоҳларини мента қадаб ўдағайлади:

— Санларни аҳволинг шу! Халқни алдайсан... Ейсан-ичасан, думингни тутқизмай қочасан. Ман санларга кўнғил қўйибман-а...

Йигитни овунтиргандек бўлдим. Бир пиёла қайноқ чой узатдим, кайф устида хонамда «Прима» тутатса ҳам индамасдим. У ўзини бироз босиб олди шекилли, секин гап бошлади:

— Акамулло, куни кеча эрталаб раҷётимни олгандим. Биласиз, ўқитувчиларнинг ёзги раҷётиниси дурустгина чиқади. Бемалол битта хўқизни пули деяверинг. Хотинбойга нечи йилдан бери айтардим, устожни бир кўрсам, битта расмга тушсам, кейин ўлиблар кетсам ҳам майли эди, деб. Олдингиздан чиқибок такси тўхтатиб голубой купала томон учиб кетдим. Шопирга босинг, ака, дейман. Ахир кетиб қолиши мумкин-да.

Борсам, голубой купала деярли бўм-бўш, абет тугабди-да. Айлиниб мунай қарасам айвоннинг энг четига бирлаштриб қўйилган столларнинг тўрида бир одам кийшайиб ўтирибди. Яқин бориб қарасам... Усто! Ўтирганча ухлаяптилар. Ўргилай, устожон, ўзингизми десам, «хмм» дейдилар. Тўғрилаб ўтиргизиб қўйдим. Оққан сўлақларини хотиним совға қилган дастурмолча билан артиб қўйдим. Кўзларини очиб манга термулдилар! «О, келдингми, жигаргўшам» дедилар! Мани! Мани-я! Оддий бир қишлоқ ўқитувчисини! Апсанкани қақирдим. Шашлик, табака, халигини зўридан бўюрдим. Устога қўйдим.

Тик туриб тўртта шейрларини ўқиб ташладим. Кўзларига ёш олдилар. Сан мани энг буюк муҳлисман дедилар. Мани чўлп-чўлп эткизиб икки марта ўптилар! Мани-я! Ана энди шейрларим газитларда босилади. Оқйўл ёздириб оламан. Китобларим чоп этилади. Қарабсизки, аканг Насил Гиждувоний адабиёт юлдузи-да!..

Бир пайт табаррук инсонимизнинг «самовар»лари қайнади шекилли «ман... ман... биррр...» деганча у ёкка кетдилар. Эшигигача кузатдим, кейин келиб апсанкага мевачева, сок-пок изделаёй десам, манга қараб:

— Исначала плати, — дейди. — Платим, платим, давай, — десам.

— Нет, давай плати, — дейди.

Хўп, тўлаб қўя қолай, сўғин устожни кўнғилига қараб иш қиларман деб:

— Исколка? — десам. Қўлимга раҷёт каптанса беропти. Қарасаам... кўзим чиқиб кетди! Уч юз қирк беш сўм! А бу пулга Гиждувонда қатта маърака қилсам бўлади-ку.

— Эббэ, чо ти абмани, — десам.

— Нэ, я нэ абманала, — дейди.

— Сэ утра около дватцад человек пили, ели, стихи читали...

Устодан сўрай-чи, деб у ёкка борсам, ул зот еру-қўлда йўк. Бир пайт апсанка мелисани қақириб келопти. Тўламай илож қанча. Тўладим-да. Ўлай агар, одамга алам қилар экан. Устоз билан ўзимга қилган заказим йигирма беш сўмдан ошмасди...

Йигит бошини чангаллаб ўтириб олди.

— Укажоним, мен сизга нима деган эдим. Ёзувчи шоирларнинг китобини ўқинг, шейрларини ёд олинг, аммо ўзига яқин келманг... пушаймон бўласиз. Мана, мен ўзим ёзувчиман, аммо ёзувчи ё шоирни кўрсам чўчиб тураман. Хуллас, асарини сев, аммо... ўзидан Ўзи асрасин!..

Ростини айтсам, мен ҳам ўшаларнинг бирман...

Махмуд БЎРОН

Билдириш: газетамизнинг кейинги сони 12 сентябрь куни чиқади.

**QILA DAVRASIDA**  
Mushakkak oila — yurt tayanchi  
Ilmjimoly-alyoosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти) масъулияти чекланган жамияти

Бош мухаррир  
Хуснидин БЕРДИЕВ

**МУАССИСЛАР:**

Фукарларнинг Ўзини Ўзи Бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада нигерия материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона мансипи: Тошкент шаҳри, Буюк Тўроқ кўчаси, 41.

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуронов

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-топ кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-837  
ISSN 2181-6190  
Адади: 2-938 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топшириди: 00-50

ISSN 2181-6190  
9 772181 619005  
1234



# «АНДИЖОНДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ


ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ФАРОВОН ВА ТИНЧ  
ҲАЁТИМИЗ, ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ АСОСИ  
БЎЛГАН ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ  
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

СИЗЛАРГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, ОМАД ВА  
МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.  
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО ВА ЭЛИМИЗ  
ҲАМИША БАҲТИЁР БЎЛСИН!



**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**





**XalqBanki**
**OMONAT**  
**“EXCLUSIVE - 2”**

YILLIK

**23%**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT  
 ХАЛҚ БАНКИ ЖАМОАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
 28 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ  
 БИЛАН БАРЧА  
 ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ  
 МУБОРАКБОД ЭТАДИ!






Азиз ва ягона, жонажон Ўзбекистонимизнинг  
 гуллаб яшнаши, унинг фаровонлиги йўлида  
 Сизларни куч-қувват ҳеч қачон тарк этмасин!

Юртимиз доимо тинч, хонадонларимиз  
 хотиржам, дастурхонларимиз тўқин бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

(71) 200-00-55

XALQBANKINFO   

WWW.XB.UZ


 ИПОТЕКА БАНК

## Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!



*Ипотека-банк жамоаси барча юртдошларимизни  
 Мустақиллик байрами билан табриклайди. Ушбу байрам  
 диёрини севган, унинг машхур тарихини ва кўп йиллик  
 анъаналарини эъозлаган, Ватани равнақи йўлида ўз кучи ва  
 меҳнатини, билим ва истеъдодини аямаган барча  
 инсонларни бирлаштиради. Сизга ва яқинларингизга соғлиқ,  
 бахт, фаровонлик ҳамда барча эзгу ниятларингиз  
 амалга ошишини тилаб қоламиз.*

**28**

Хизматлар лицензияланган.



www.ipotekabank.uz



78-150-89-55